

Бола биз учун бахту иқбол, саодат ва келажак. Ўсиб, улғайгани сайин кўзимиз қувнайди. Не-не орзу-умидларимиз рўёбини унинг эртанги кунда кўраимиз. Аммо ана шу бир олам ҳавасларимиз рўёбига ўз-ўзидан эришиб бўлмайди.

3 бет

"Кетаман, шунча кутдим. Келмаса ўзидан кўрсин". Асида у ич-ичидан йигитнинг қайтиб келмаслигини истаётган эди. Ахир шунда етти минг долларнинг ҳаммаси бус-бутунича унга қолади. "Лекин кейин қидириб мени топса-чи?.."

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нўшқў

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-йил 21-iyul, №29 (758)



Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот

2011 йил 15 июль кунин О'zbekiston Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийётини либераллаштириш борасида Хукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан О'zbekiston Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев ҳисобот берди.

Мажлис иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланганидек, маърузада баён этилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қабул қилинган "О'zbekiston Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддалар)"ги О'zbekiston Республикаси Қонунининг қондаларини амалда рўёбга чиқариш доирасида ўтказилмоқда.

О'zbekiston Республикаси Конституциясининг 78-моддасига киритилган ўзгартишларга биноан, Олий Мажлисининг палаталари бугунги кунда О'zbekiston Республикаси Бош вазирининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир ҳисоботини эшитиш ҳуқуқига эгадир. Қонунчилик палатаси ва Сенатининг бўлиб ўтган қўшма мажлиси марказида ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини такомиллаштиришнинг, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмларини янада ривожлантириш, мамлакатимизда кенг миқёсдаги демократик ислохотларни ўтказишда Олий Мажлис ролини оширишнинг муҳим омилли бўлган маъруза модда қондаларини амалда рўёбга чиқаришда илк қадам бўлди.

Мажлисида Хукумат томонидан мунтазам равишда ва изчил иш олиб борилаётгани таъкидланди. Чунончи, 2011 йилнинг биринчи ярмида "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги ва бошқа қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, парламентга киритилди.

Мажлис қатнашчилари жорий йилнинг биринчи ярмида 22,8 мингдан зиёд кичик бизнес корхоналари рўйхатга олинганлигини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни ташкил этилганлигини таъкидладилар. Кичик бизнес корхоналарининг саноат ишлаб чиқариш ҳажми 20,4 фоизга кўпайди, маҳсулотни экспорт қилиш ва ўз маҳсулотини биржа савдолари орқали сотиш ҳажмлари 1,5 бараварга ошди. Кўрсатиб ўтилган ва бошқа бир қатор мунтазам чора-тадбирлар натижасида 2011 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 12,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,7 фоизга, чакана товар айланмаси 14,6 фоизга ва хизматлар кўрсатиши 14 фоизга кўпайди.

Шу билан бирга, ошқорча мулоқот ва амалий фикр алмашинуви жараёнида сенаторлар ва депутатлар бозор ислохотларини чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш вазифаларини бажаришга қаратилган ишлар самардорлигини янада ошириш юзасидан бир қатор фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирдилар. Чунончи, қонунларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини мониторинг қилишга доир ишларни кўчатириш, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига тайриққонуний аралашувларга йўл қўймаслик, шунингдек, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни эркин ривожлантириш учун юқори даражада қўлай ишчанлик муҳитини шакллантириш, бюрократик соғалар ва тўсиқларни бартараф этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мажлис давомида таъкидландики, Хукумат ҳисоботини эшитишда тадбиркорлар, олимлар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштирок этиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятида ошқоралик, очиқ-ойдинлиқни таъминлаш, қабул қилинадиган қарорлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш борасида наватблагли муҳим қадам бўлди.

Хукумат ҳисоботини эшитиш якунилари юзасидан О'zbekiston Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма қарори қабул қилинди. Унда демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийётини либераллаштириш, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури амалда рўёбга чиқариш соҳасида мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қондаларини ижро этувчи ва вакиллик органлари томонидан сўзсиз бажаришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи белгилаб берилди.

О'zbekiston Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Термиз Давлат университети

Қонунийлик — тараққиёт кафолати

Буюк ва муқаддас Ватанимиз — О'zbekiston Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Ҳамма жойда байрам шукӯҳи кезмоқда. Юртимиздаги осойишталик, тинчлик-хотиржамлик, буюк келажагимизга бўлаган қатъий ишонч ҳалқимизда мустақиллик деган улғў неъматни асраш, озошлик ва бахт-иқбол йўлида янада жипслашиб, бир мақсад йўлида задал олга интилиш учун чексиз куч-қураёт бахш этмоқда.

Биз инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, кадр-қиммати ва манфаатлари олий қадрият даражасида улуғланган жамиятда яшаймиз. Мустақиллигимизнинг ўтган йигирма йили фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, қонун устуворлигига эришиш, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида улкан ислохотлар амалга оширилган давр сифатида тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан чиқариб ташламини ҳамда қамқоқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан оғишмай илгариллаб бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

Адвокатура институтининг янада такомиллаштирилиши эса фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адвокатларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, жиноят қонунчилигига ярашув институтининг киритилиши — жиноят қонунчилигини либераллаштиришдаги тарихий қадам сифатида ҳалқора ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлди. Унга мувофиқ, гумон қилинув-

чи, айбланувчи қатта ижтимоий ҳавф туғдирмайдиган жиноят содир этган тақдирда жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Ҳозирги кунда Жиноят кодексининг 40 та моддасида белгиланган 53 турдаги жиноятлар учун ярашув институти қўлланиладиган бўлди.

Бу ижобий ўзгаришлар вилоятимиз ҳаётида ҳам ўз аксини топган. Вилоятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 625 тақдирнома киритилди. Қонунга зид 888 та ҳуқуқий ҳужжатларга протест келтирилиб, 1062 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. Прокурорнинг қарор ва тақдирномаларига асосан 1510 нафар шахс интизомий, 1305 нафар маъмурий, 73 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган 52 млн. 260,0 минг сўмлик зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилиб, судларга 1 млрд. 121,0 млн. сўмлик 1614 та аризалар киритилди, жиддий қонунбузилиши ҳолатини юзасидан 82 та жиноят иши кўзгатилиб, 1555 нафар шахсонинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бўлган жорий

Фафур БАҲНОЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурори

йилда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг муаммоларини амалда ҳал этиш, улар ишидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида ҳам мунтазам равишда назорат тадбирлари олиб боришмоқда.


Вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлар билан 179 маротаба учрашувлар ўтказилиб, натижаларига кўра, муурожаат қилган тадбиркорларга 22,5 гектардан ошқир ер майдонлари ажратилишида, 217 нафар тадбиркорнинг руҳсатнома олиш ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш масалаларининг ҳал қилинишида, 80 нафарига 1 млрд. 265,7 млн. сўмлик кредит маблағлари олишларида амалий ёрдамлар берилди. Қишлоқ жойларида 627 та, шаҳар ҳудудида 7 та, жами 634 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилиши юзасидан 47 та ҳолат аниқланди, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш йўналишида асосий эътибор, пахта ва ғалла экладиган майдонлар мониторингини ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиестеъмолчиликларнинг, минерал ўғитлар ва ёнғил-ойлаш маҳсулотларини талон-тарож қилиш каби ҳолатларнинг олдини олиш, давлатда пахта, ғалла ва пилла сотиш бўйича контрактация шартномаларининг бажарилиши, фермер хўжалиқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилди.

[Давоми 4-бетда]

Ҳуқуқий саводхонликни ошириш йўлида



Саидбид ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурорининг
катта ёрдамчиси

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан ҳам бу йўналишда бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

2011 йил 14 июль кунги Фарғона гарнизонининг офицерлар саройида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шиори остида "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзусида ўтказилган учрашувда Фарғона гарнизонида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари катнашдилар.

Тадбири Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари - Республика Ҳарбий прокурори Шухрат Узаков кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Мамлака-

тимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусида қилган маърузасининг мазмун-моҳияти, ҳарбий хизматчиларнинг ишга мухтож бўлган оила аъзоларини иш билан таъминлаш борасида яратилган имкониятларни ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эътиборига етказиш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

Учрашувда иштирок этган Фарғона вилоят прокурори, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, вилоят ҳокимлиги, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимо-

ий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда Мудофаа вазирлиги бошқармаларининг масъул ходимлари иштирокчиларга мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

Қизғин ва жонли тарзда ўтган учрашувда иштирок этганлар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам тўлақонли жавоблар олишди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг барча қатламлари, хусусан, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда ҳуқуқий онгини ошириш ниҳоятда муҳим ва долзарб вазифа саналади. Ҳуқуқдаги каби тадбирлар айнан шундай мақсадларни ўзида муҳассас этганлиги билан аҳамиятлидир.

Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга онл ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Устувор мақсад сари

Жамолатдин ХОЖАНОВ,
Нукус шаҳар прокурори

Халқимизнинг манфаати қўзланган бу эзгу мақсад ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бунинг учун ҳар биримиз Концепция асосида яратиладиган қонуний меъёрларнинг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги аҳамияти тўғрисида кенг тушунчага эга бўлишимиз керак.

Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) "Ҳи Қонун давлат ҳокимиятининг уч субъекти - давлат раҳбари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади. Яқинда қабул қилинган ўшбу қонунга қўра, қонун чиқарувчи ҳокимият - парламентнинг функциялари кенгайтирилди. Сийёсий партияларга мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида амалий тақлифларни илгари суриш, айти пайтада, уларнинг бажарилиши бўйича парламент ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масъулиятли ваколат берилди.

Айни пайтада, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада қафолати ҳимоя қилиниши учун тегишли қонунлар тақомиллаштирилиши ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳуртобимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштиришга

алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилганлигини таъкидлаш жоиз. Бунинг туб мазмун дастлабки тергов жараёнида гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш бўйича санкция бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судларга ўтказилишини аниқлади. Бу меъёр халқаро миқёсда "Хабас корпус" институти деб аталади. Бу институтининг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Унинг изчил жорий этилиши қандай манфаат келтиради? "Хабас корпус" шахсни айбдор деб топиш учун, энг аввало, уни судга олиб келиш ва айбини исботлаш зарур деган қондани мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институтидир. Мазкур институти озодликдан маҳрум этиш асосини текшириш учун суд талабига қўра айбланувчи ёки гумон қилинувчини судга олиб келиш ва ҳуқуқини ҳимоя қилиши билдиради.

Концепцияда шунингдек, Жиноят процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатларини белгилловчи меъёр чиқарилиши ҳақидаги тақлиф илгари сурилди.

Шолининг ортидан курмак сув ичади...

Инсон олий қадрият сифатида эъзозланган юртимизда аҳолининг турмуш шароити, яшаш тарзини яхшилашга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Анвар ХАЙИТБОВ,
Бухоро транспорт
прокурорининг катта ёрдамчиси
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

2008 йилда Когон шаҳрида бўлиб ўтган воқеалардан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тошйириги билан моддий-маънавий азият чеккан фуқароларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланди.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик темир йўл компанияси томонидан Когон шаҳар "Халқлар дўстлиги" қўчасидаги 21, 22, 33, 36-уйларнинг ички муҳандислик тармоқларини капитал таъмирлаш мақсадида буюртмачи Бухоро минтақавий темир йўл узели ва "Қурилиш-Наладка" хусусий корхонаси ўртасида 2009 йил 20 апрелда 32 миллион сўмга 211-сонли ҳамда 2009 йил 20 июлда 72 миллион 200 минг сўмлик 397-сонли пудрат шартномалари тузилган. Иситиш, ичимлик ва оқова сув тизимини таъмирлаш учун "Галаасёёлойиха" илмий ишлаб чиқариш корхонаси томонидан смета ҳужжатлари тайёрлаб берилган. Энди гап қонун талаби доирасида, ишни виждонан бажаришда қолган эди. Айнан шу масъулият Мирзаамурод Мирзаев раҳбарлик қилган "Қурилиш-Наладка" хусусий корхонаси зиммасига юклатилди. Мазкур корхона масъул мансабдор, яъни иш юритувчи лавозимида ишлаган Самад Хамроев раҳбарига жиноий шерик бўлганда қонуннинг қўзи ўткир, қўли узунлиги ҳақида йўлладан қўра унга ишониб топирилган ўзгачан мулкни талон-торож қилишни афзал қўргани ачинарли.

Жиноий шериклар "ишларни рисоладагидек" бажарганликлари ҳақида

86,545576 сўмлик 5-шакл далолатномани ҳам тузиб қўйишди.

Қўтилмаганда мутахассислар томонидан қилинган ишлар бўйича қайта назорат ўлчови ўтказилиб, ҳужжатлар таққослаб қўриладиган бўлганда "Қурилиш-Наладка" хусусий корхонаси мутасаддилари типирчилаб қолишди. Чунки 5-шакл далолатномасида иш ҳажмларига қўшиб ёзиш, сметада кўрсатилган пудратчининг бошқа харажатлар коэффициентининг 20 фоиз ўрнига 32,85 фоиз қўлланилганини М.Мирзаев ҳам, С.Хамроев ҳам яхши биларди-да.

Бир хато иккинчисини етаклаб келади. Бу борада "Қурилиш-Наладка" "ўзига хос" қинғир йўлни танлади. Когон шаҳридаги "Ёшлик" спорт комплекси "Туркистон" маҳалла фуқаролар йиғини биносининг иситиш тизимини монтаж қилиш ишида иштирок этишмасида, 5-шакл далолатномасини қўйиллабди тузиб, тўлов учун буюртмачи Давлат акционерлик темир йўл компанияси, Ўзбекистон темир йўллари қарашли 1-электромонтаж поездида тақдим қилган.

Расмий ҳужжатларга билиб туриб сохта ёзувлар киритган қонунбузарлар Бухоро минтақавий темир йўл узелига 29 миллион 635 минг сўмлик моддий зарар етказишди.

Ачинарли томони шундаки, М.Мирзаев, С.Хамроевлар қилаётган хатти-ҳаракати қонунга хилоф эканлигини аниқлаш ҳолда, шахсий манфаатларини умумманфаатдан юқори қўйишган. Обру, мансаб, лавозим топилади, аммо элининг ишончини оқлаш осон эмас.

12 июль кунги Андижон вилоят ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идораларининг 2011 йилнинг 1-ярим йиллик иш ажунлари ва келгуси вазифаларига бағишланган мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Танқидий руҳда бўлиб ўтган мазкур йиғилишда асосий эътибор қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳар бир жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш масалаларига қаратилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Йиғилишда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ш.Матиевнинг кун тартибидagi масалалар юзасидан маърузаси эшитилди.

Маърузачи жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ишлаб чиқилган даврий ва узоқ муддатга мўлжалланган иш режаларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши натижасида вилоят ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлиги бирмунча яхшиланганини таъкидлади.

Хусусан, жорий йилда умумий жиноятчилик, гуруҳ таркибидagi, жамоат жойларидаги, шунингдек, қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик, фирибгарлик, товланмачилик, безорилик ва аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони камайган. Вилоятда жиноятларни фаш этиш кўрсаткичи, хусусан давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилиш, порахўрлик, одам савдоси жиноятларини фаш этиш фаоллашган.

Тергов жараёнида прокуратура органлари томонидан 14,9 млрд. сўмлик, ички ишлар идоралари томонидан 3,9 млрд. сўмлик зарарлар ун-

Дониёр МАМАЖОНОВ,
Андижон вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

дирилган. Прокурорлик текширишлари жараёнида эса 1 млрд. 322 млн. сўмлик зарарларнинг ихтиёрий ундирилишига эришилиб, 11,6 млрд. сўм зарарлар судларга даъво киритиш воситасида ундирилиши таъминланган.

Аммо жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда мавжуд камчиликлар боис талончилик, ўғирлик, безорилик, жабранувчи ҳалок бўлган йўл транспорт ҳодисаси, гиёҳвандлик каби жиноятлар ўсганлиги танқид остига олиниб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида қатъий талаблар қўйилди.

Муҳокамада келгусида вилоятда барқарор вазиятни сақлаш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда диний экстремизмга қарши курашишда, чегара ҳудудлари дахлсизлигини таъминлашда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идораларнинг куч ва имкониятларини борада-да амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

«Оқ ажал» қурбонига айланманг!

Наркомания юнонча сўз бўлиб, нарко — қарахлик, қотиб қолиш, манья-мойиллик, қарам бўлиш каби маъноларни англатади. Ушбу маъноларнинг ўзиёқ унинг нақадар ҳафли илат эканлигини дарах беради. Бу илатдан батамом халос бўлиш учун ҳар бир фуқаро унга қарши ўзида иммунитетни шакллантириши лозим. Дарҳақиқат, гиёҳвандлик инсонлар соғлиги ва ҳаётиёқлигига таҳдид солади, мамлакатда крименоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади.

Гиёҳвандлик ва гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш масаласи прокуратура органларининг доимий диққат марказида бўлиб, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда бундай жиноятларнинг олдини олиш, наркотик моддаларнинг fairиқоний айланиши ва истеъмол қилинишига қарши курашга қаратилган тадбирлар тобора кучайтирилмоқда.

Маълумотларга қараганда, ўтган йили қўшни Афғонистонда жуда катта миқдорда қўқор етиштирилган бўлиб, ундан олинган героиннинг маълум бир қисми жиноий йўллар билан вилоятимизга ҳам кириб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ички ишлар органлари, божиона ва МХХнинг вилоят бошқармаси тергов бўлими томонидан гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан муомала қилиш билан боғлиқ 233 та жиноят иши кўзга ташланди. Бу ҳолат ўтган йилга нисбатан 27 тага кўпдир.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ҳудудда юзага келатган тезкор вазиятдан келиб чиқ-

қан ҳолда наркотик моддалар билан боғлиқ ноқонуний фаолиятни фаш этиш, таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликлар экилган майдонларни йўқ қилиш ва наркоманиянинг тарқалишининг олдини олиш бўйича махсус тадбирлар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Бу жараёнда бизни ташвишлантирадиган ҳолат бу турдаги жиноятчилар орасида вояга етмаганларнинг пайдо бўлаётгани ва гиёҳвандлик савдоси "оилавий бизнес"га айланиб бораётганидир.

Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан Ҳазорасп туманида ўтказилган тезкор тадбирда вояга етмаган Назира (исм-фамилиялари ўзгартрилган) исмли киз тадбирга жалб қилинган фуқарога 4,47 грамм "героин" гиёҳванд моддасини 200 минг сўмга сотган пайтда ушланган. Назира тергов пайтида гиёҳванд модда опаси Фаридага тегишлилигини билдирган. Опа-сингилларга нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, тегишли жавобгарликка тортилдилар.

Гувоҳи бўлаётганингиздек, гиёҳвандлик воситаларини сотиш жиноятлари аёллар томонидан ҳам содир этилмоқда. Бизнинг наздимизда гулга қиёс қилувчи аёл эотининг жиноятга қўл уришига бефарқ қараб бўлмайди.

Урганч туманида ўтказилган тезкор тадбирда эса фуқаро Н.Қамолов танишлари — Нурбек ва Мардонлар билан ўз уйи олдида тадбирга жалб қилинган фуқарога 0,21 грамм "героин" гиёҳвандлик воситасини 57 500 сўмга сотган пайтда ушланди.

Афсуски, бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг гиёҳвандликка қарши кураш, гиёҳванд воситалари ва психо-

троп моддаларнинг ноқонуний тарзда ҳудудга олиб кирилиши ва тарқатилишининг олдини олиш борасидаги ҳамкорликдаги фаолияти фаоллаштирилгани боис, жорий йилнинг ўтган даврида бу турдаги жиноятларни аниқлаш 2010 йилнинг шу даврига нисбатан ошган.

Май ойида МХХ Хоразм вилоят бошқармаси ходимлари томонидан кўзга тилинган жиноят иши тергов жараёнида ўтказилган тезкор тадбирда Самарқанд шаҳридаги "Фазо" (номи ўзгартрилган) МЧЖ омборхонасида сотиш мақсадида сақлаб қўйилган 67049,35 грамм "героин", 9668,56 грамм "опий" гиёҳвандлик воситалари топилиб, ашёвий далил сифатида олинган. Ушбу гиёҳвандлик воситаларини Жамол исмли йигит жиноий шериклари Рустам, ака-ука Уллубек, Жамол, Комил Икромовлар билан тил бириктириб, Тожикистондан божиона назоратини четлаб, республикамизга олиб кирганилиги аниқланди. Айни пайтда ушбу ҳолат билан боғлиқ тергов ишлари давом этмоқда.

Йилнинг ўтган даврида жиноятчилар қўлидан 72 694,51 грамм героин, 13 232,92 грамм опий, 22 561,79 грамм махрихуанна, 13 692,89 грамм қўқор гиёҳванд моддалари олинди, йўқ қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан икки баробардан кўпдир. Бу рақамлар қанча инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинишига, турли фожияларнинг олди олинишига хизмат қилса, не ажаб.

Шу ўринда бир ҳолатга диққатингизни тортмоқчиман. Гиёҳвандлик дарадига чалинганлар сони шу йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда 1813 нафарни ташкил этади. Шундан 96 нафари хотин-қизлардир. Уларнинг қарамоғида эса 1402 нафар бола тарбияланмоқда. Қуш уясида кўрганини қилади деганларидек, бундай муҳитда ўсаётган

Нодирбек БАЙТЕМИРОВ,
Хоразм вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

боланинг келажақда гиёҳвандлик гирдобига тушиб қолмаслигига қандай қафолат бор? Шунинг учун гиёҳвандликка руж қўйган, оиласини моддий таъминлашдан бўйин товлаб, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб келатган фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судларга прокурор аризалари киритилмоқда.

Вилоят прокуратура органлари томонидан гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам тобора кучайтирилмоқда. Маҳалларда, ўқув масканларида, корхона ва ташкилотларда мутахассислар иштирокида ушбу мавзуга бағишланган давра суҳбатлари мунтазам равишда ташкил қилинмоқда. Уларга кенг жамоатчилик вакиллари, хусусан ёшлар тақлиф қилиниб, жонли мисоллар, далиллар ёрдамида гиёҳвандлик сабаб бўладиган фожиялар тушунтирилмоқда. Оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. "Биз ёшлар жиноятчиликка қаршимиз!" мавзусида концерт дастурлари ташкил қилинаётди. Профилактик чораларнинг кучайтирилиши ушбу жиноятни илдириш билан йўқ қилишга хизмат қилади деган умиддамиз.

Албатта, гиёҳвандликка қарши курашиш борасидаги пухта ўйланган кенг қамровли чора-тадбирлар ўз самарасини бераётди. Бироқ, ушбу илатга қарши курашиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вазифаси эмас. Бунга барча бирдай масъул бўлган тақдирдагина кўзланган натижага эришиш мумкин.

"Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиш бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси".

Ислом КАРИМОВ

Биз биз учун бахту иқбол, саодат ва келажак. Усиб, улғайгани сайин кўзимиз кувнади. Не-не орзу-умидларимиз рўёбинини унинг эртанги кунда кўрамай. Аммо ана шу бир олам ҳавасларимиз рўёбига ўз ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун фарзандимизнинг қамоллига ҳар лаҳза эътибор керак. Тарбия ишини асло унутиб бўлмайди.

Бу борада ҳамкорлик, жамоатчилик масъулияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бола нафақат оилада қамол топади, унинг аксарият вақти мактаб ва маҳаллада ҳам ўтади.

Шу нуқтага назардан Учкурган туман прокуратураси ўзига хос ташаббусга қўл урди. Дастлаб туман ички ишлар ва халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда "Маслаҳатчи отахонлар" гуруҳлари ва "Бувижонлар" мактаби тузилди.

"Маслаҳатчи отахонлар" гуруҳига узоқ йиллар турли соҳаларда намунали ишлаган, катта ҳаёт таърибасига эга, жамиятда, ўзи яшаб турган ҳудудда обрў-эътибор қозongan 184 нафар отахон жалб этилди. Бу отахонлар ҳафтаининг жума кунлари мактабларга ташриф буюрадиган ва ўқизадагидан маънавий сабоқларни иштирок этиб, ўқувчиларнинг орзу-интилошлари билан яқиндан танишдилар, уларга тарбия, одоб-ахлоқ борасида панд-насихат, қimmatли ўғитлар берадилар. Ахир, "Қари билгани — пари билмас", дейдилар. Фахрийлар ҳам бу эзгу тақлифни бажонидил қабул қилдилар.

"Маслаҳатчи отахонлар" катта таърибага, таъсир кучига эга эмасми, бу борада туман прокуратурасининг эътибори ва қўмағи ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

тира олмаётган, жиноят ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлиб, тарбиясида бўшлиқ пайдо бўлган вояга етмаган ёшлар ҳамда фарзанднинг мактабга боришига тўқинлик қилаётган ва ўз хатти-ҳаракати билан болалари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар билан ишлаш, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишни ҳам зиммаларига олишди.

Шу каби "Бувижонлар" мактаби аъзолари ҳам миллий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда, умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчи қизларда ҳаё-иба, иф-фат, назокат, самимийлик, камтарлик, оқиллик, кийиниш маданиятини шакллантириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, меҳмон кутиш, уй-рўзгор ишларига ўргатиш, тиббий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини мунтазам ошириб бориш, таълим муассасаларида оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигидега ўзига хос педагогик тизимни шакллантириб боришга бел боғладилар.

Бундан ташқари, тумандаги 4 та марказлашган милиция таянч пунктлари қошида таълим муассасаларида билими ва тарбиясида бўшлиқ пайдо бўлган ўқувчилар билан олиб борилаётган ишлар мониторингини юритувчи "Жамоатчи қўмакчи" мувофиқлаштирувчи ишчи кенгашларининг "Ўқувчи ёшлар тарбиясида қўмак берувчи ҳуқуқий тарғибот марказлари" ҳам ташкил этилди.

Ушбу хайрли ишлар ўз натижасини берди, албатта. Туманда 2010 йил ва 2011 йилнинг 4 ойида мактаб ўқувчилари томонидан бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Масалан, 2009 йилда вояга етмаганлар томонидан 10 та (4 та мак-

Тарбия саодатдир

бунинг исботи ҳаётда ҳам намоён бўлмоқда



Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

руҳи аъзоларининг фаолияти билан танишдилар.

4-мактабдаги "Бувижонлар" мактаби томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, мактабда ташкил этилган тўғараклар аъзолари томонидан тайёрланган ўйинчоқлар, ўз қўллари билан тиккан кашталар, қўйлақлар барчага манзур бўлди.

Семинар давомида "Санот" МФЙ ҳудудидаги Марказлашган милиция таянч пунктида ташкил этилган ижодий ва соғломлаштириш тўғараклари ва Учкурган педагогика касбхона коллежида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган тўғараклар фаолияти ҳам қўрилди.

Кун якунида семинар тадбири юзасидан якуний йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Умаров олиб борди. У ўз сўзида туманда вояга етмаганлар билан ишлаш борасида бой таъриба борлиги, бугун намоёйиш этилган ишлар ҳам шунинг ифодаси эканлигини таъкидлаб, уларни бошқа туманларда ҳам оммалаштириш тақлифини билдирди.

Шунингдек, йиғилишда туман ҳокими Б.Нурматов, халқ таълими бўлими мудири И.Тўраев, "Маслаҳатчи отахонлар" гуруҳи раҳбари Қ.Иброҳимов сўз олиб, мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлигининг аҳамияти, бу борада туман прокуратурасининг эътибори ва қўмағи ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

таб ўқувчиси) жиноят содир этилган бўлса-да, 2010 йилда 3 та шундай ҳолат қайд этилди. Мактаб ўқувчилари томонидан 2009 йилда 20 та ҳуқуқбузарлик содир этилган эди. 2010 йилда бу иллатнинг ҳам кескин қайишишига эришилди. 2011 йилнинг 4 ойида эса умуман содир этилмади.

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг дарслардаги иштироки тубдан ўзгариб, давомат яхшиланди.

Ўқувчи-ёшларнинг фан олимпиадаларининг республика босқичи ҳамда спорт мусобақаларидаги иштироки ҳам сезиларли даражада ўсди. Шунингдек, 9-синфини тамомлаган ўқувчилар таълимнинг кейинги босқичига тўла жалб этилмоқда.


Эътироф этиш жоизки, ўқувчиларга кўрсатилган таълим ҳам хўрлик ва эътибор натижасида уларнинг ижодкорлик қobiliяти ҳам шаклланимқда. Айни пайтда мактабларда бир ойда икки марта "Буюк юрт фарзандлари" шиори остида ўқув-

чилар газетаси чоп этилиб, унда ёшларнинг ижод намуналари бериб борилмоқда.

Вилоятдаги барча шахар ва туман прокурорлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар масъул қотиблари, ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими ходимлари, шахар ва туман халқ таълими бўлими мудири, мактаблар ва коллежлар директорлари туманга ташриф буюриб, ана шу ижобий ўзгаришлар, натижалар билан танишдилар.

Учкурган туман прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган семинарда дастлаб прокуратура биносидаги "Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш маркази"да вояга етмаганларга оид қонунлар ижросининг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар слайдлар ёрдамида намоёйиш этилди.

Шундан сўнг иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда 8-умумтаълим мактабидега ҳуқуқий тарғибот маркази ва "Маслаҳатчи отахонлар" гу-



Қонунийлик — тараққиёт кафолати

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Бу борада ўтказилган 21 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра, 2898 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Ердан оқилона ва самарали фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида олиб борилган назорат тадбирлари натижасида, 1058 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 30 та жиноят иши қўзғатилди. Судларга фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер майдонларини фермер ҳўжаликларига қайтариш юзасидан 167 та аризалар киритилди.

Шунингдек, жойлардаги айрим мансабдор шахслар томонидан суғориладиган унмудор ерларни фуқароларга ноқонуний равишда бериб юбориб, суиистеъмолчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланган.

Хусусан, Жарқўрғон туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари А.Хушназаров, "Шувоқтепа", "Бойқишлоқ", "Якка чирно" фермер ҳўжаликлари бошлиқлари М.Раимов, Р.Бозоров ва Э.Муҳаммадиевлар Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси талабларини қўпол равишда бузиб, 7,34 гектар ерни 27 нафар фуқарога 76 млн. 460 минг сўм эвазига уй-жой куриш ва томорқа учун сотиб юборишган. Натижада белгиланган режага асосан 44 млн. 314 минг сўмлик пахта ва галла етиштирилмасдан, фермер ҳўжалиги ва давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган. Ушбу ҳолат юзасидан 2011 йил 7 апрель

куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган ва айблов ҳулосаси билан судга юборилган. Ҳозирги кунда иш судда қўрилмоқда.

Вилоят прокуратураси ва одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий идораларо комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Одам савдосига қарши курашиш ва воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тартибга солишда ушбу комиссиялар масъул қотиларнинг ўзаро ҳамкорлигида фаолият олиб боришига, жамоат ташкилотлари, бандликка кўмаклашиш марказлари, тиббиёт бirlашмалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг кўмагидан фойдаланишга, аҳолини, айниқса, ўрта-махсус ўқув муассасалари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 11-12 январь кунлари Жарқўрғон туманида одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идораларо ҳамда воёга етмаганлар ишлари бўйича шахар-туман комиссиялари масъул қотилари иштирокида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссиясининг тегишли қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000

йил 21 сентябрдаги "Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарори ижросини таъминлаш, шу билан бирга, ҳудудда бу борадаги ишларнинг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида ўқув-амалий машғулотлар ўтказилди.

Шунингдек, Термиз шаҳри ва туманларда қайд этилган комиссиялар фаолият қўрсатиши ва ўқув-амалий машғулотлар ўтказиш учун алоҳида марказлар ташкил этилиб, уларга туман ҳокимлиги биноларидан алоҳида хоналар ажратиб берилган.

Марказлар комиссиялар иш фаолияти учун ажратилган хона ҳамда ўқув-амалий машғулотлари ўтказишга мўлжалланган заллардан иборат бўлиб, хизмат хонаси компьютер жамланмаси, телефон ва телефакслар билан жиҳозланиб, тегишли электрон маълумотлар базаси яратилган.

Шунингдек, Жарқўрғон туман ҳокимининг қарори билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича туман ҳудудий идораларо комиссияси ҳошида "Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш" Маркази ташкил этилиб, иккита алоҳида хона ажратилган. Тегишли тартибда жиҳозланган хоналарда тадбиркорлардан ташқари, одам савдосидан жабрланганларга ҳуқуқий масlahатлар берилиб, мутасадди идора ва ташкилотлар ходимларининг маълум вақтда тадбиркорлар ҳамда одам савдосидан жабрланган шахсларни қабул қилиши ҳам йўлга қўйилган.

Вилоят прокуратураси томонидан тайёрланган услубий тавсиялар асосида ҳорижий давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган ва қайтиб келган фуқаролар

ни аниқлаш борасида жамоат ташкилотларини жалб қилган ҳолда жойларда мониторинглар олиб борилиб, ягона ҳисобот берилиши йўлга қўйилган.

Вилоятимиз аҳолисининг 46 фоизини воёга етмаганлар ташкил этади. Вилоят ҳудудида 851 та умумтаълим мактаби, 120 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари, 55 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 385 та мактабгача таълим муассасалари, "Меҳрибонлик уйи" ва 4 та махсус мактаб-интернатлар фаолият қўрсатиб келмоқда.

Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг соғлиги, таълим-тарбияси, меҳнати, ижтимоий муҳофазаси борасида қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 3141 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, чин етим ва ногирон воёга етмаган болаларга 53,9 млн. сўмлик турли хил моддий ёрдамлар қўрсатилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги "Етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жой билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини ижро этиш бўйича тегишли амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унга асосан бугунги кунда вилоятда уй-жойга муҳтож етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ишлари олиб борилиб, уларнинг 3 нафари уй-жой билан таъминланган.

Хусусан, ногирон болалар учун 35,7 млн. сўмлик совғалар топширилиб, ўз уйида ўқитила-

ётган, имконияти чекланган ўқувчиларга ҳомийлар кўмағида компьютер техникаси олиб берилган.

Воёга етмаганларга яратилган шарт-шароитлар ва берилаётган таълим-тарбиянинг самараси сифатида Денов туманидаги 79-сонли умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Тошпўлатова Фариданинг 2011 йилда Зулфия номи Давлат мукофоти билан тақдирланганини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари, фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлашда асосий эътибор уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг таъминлишига қаратилди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида муурожаатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича жами 265 (696) нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Масалан, Шеробод туман прокуратурасининг аралашуви билан "Шеробод МТП" АЖдан жамиятининг 51 нафар ишчи ходимларининг 10 млн. сўм иш ҳақлари ундириб берилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан келгусида ҳам асосий эътибор вилоятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш билан бирга, янги иш жойларини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимосини таъминлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам қўрсатиш ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига оид қонунлар ижросининг тўлиқ таъминлишига қаратилди.

Муурожаатлар эътибордан четда қолмайди

Фуқароларнинг муурожаатларини ҳал этиш прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жумладан, "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси юзасидан 2011 йилнинг 6 ойда ўтказилган 48 та текширишлар натижасига кўра, байрикуний ҳужжатларни бекор қилиш юзасидан 4 та протест келтирилиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 156 та тақдирнома киритилган. Қонунни бузмаслик ҳақида 9 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилган, 213 нафари интизомий, 36 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилган.

Прократурага келиб тушган 2804 та муурожаатнинг 913 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилган. Муурожаатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича эса 265 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Масалан, Денов туманидаги Т.Хайтов номи фермер ҳўжалиги бошлиғи Т.Хайтовнинг 2011 йил 18 январдаги аризаси бўйича унинг 28 млн. 628,0 минг сўм пулини ундиришда амалий ёрдам берилган.

С.Саломов ва бошқаларнинг "Қодир

дунё" фирмасидан иш ҳақини ололмаётганликлари ҳақидаги муурожаатларини текшириш натижасига кўра, 4 нафар ишчининг 1,6 млн. сўмлик иш ҳақини ундириш ҳақида 2011 йил 25 апрелда фуқаролик ишлари бўйича Денов туманларо судига ариза киритилиб, қорхона бошлиғи У.Сатторовга нисбатан МЖТКнинг 49-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилган. Суд қарори билан ариза қаноатлантирилиб, ишчиларга ёрдам қўрсатилди.

Шу каби Қумқўрғон туман прокуратураси томонидан фуқаро Х.Турсунов ва бошқаларнинг "Қумқўрғон МТП" АЖдан иш ҳақларини ололмаганлиги ҳақидаги муурожаати ўрганилиб, 18 нафар ишчининг 29,5 млн. сўм иш ҳақини ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судга ариза киритилган ва қаноатлантирилган.

"Узун армуғон текстил" МЧЖ раиси Х.Абдуллаев бўлса, ўш муурожаатда етказиб берилган махсуслотларидан бўлган қарздорлиқни ундиришда ёрдам сўраган. Маълум бўлишича, "Сурхонпахтасаноат" ХАБ тизимидаги моддий техника таъминот базаси билан МЧЖ ўртасида 2010 йил 8 ноябрь куни тузилган 2-сонли шартномага асосан, "Узун армуғон текстил" МЧЖ томонидан 9 млн. 138 минг сўмлик махсус ўқимлар етказиб берилган бўлса-да, ўрганиш кўнига қадар бу маблаг жамиятга тўлаб берилмаган.

Вилоят прокуратурасининг аралашуви

билан қарзнинг "Узун армуғон текстил" МЧЖга тўлаб берилиши таъминланган.

Шу билан бирга, фуқароларнинг муурожаатлари юзасидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, 2011 йилнинг 6 ойда 336 та муурожаатларда қўрсатилган ваъдалар тасдиқланмаганлиги сабабли рад этилиб, бундай муурожаатлар муаллифларининг жиноий ва маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал этиш амалиётидан кенг фойдаланилиб келинди.

Масалан, фуқаро Ш.Сунонов ўз аризасида жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман суди раиси З.Шониевнинг 2008 йил баҳор ойда 2 нафар жияни ва ўғлига нисбатан қўзғатилган жиноят ишини қўриш давомида фарзандига ёрдам бериш ва жияларини суд залидан озод қилиш эвазига 2 млн. сўм пул берганлигини, бироқ суд якунида ўғлига айбдор деб жазо тайинлангани, жияларини ҳам озодликдан маҳрум қилиб юборганлигини, берган пулидан атиги тўрт юз минг сўминини қайтарганини билдирган.

Туман суди раиси З.Шониевга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви ҳулосасида З.Шониев фуқаро Ш.Суноновдан 2 млн. сўм пулларини пора тарикасида олганлиги ҳолатининг тасдиқлангани маълум қилинган.

Шунингдек, Ш.Сунонов бир қатор юқори турувчи идораларга ариза ва шовилчинчомалар билан муурожаат қилиб, туман суди раиси З.Шониевга 2 млн.

Жамол КУЧИМОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

сўм пулни қарз сифатида берганини, аслида З.Шониев ундан пора олмаганини, унга пора берганлиги ҳақида ариза ва тушунтириш хатларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан мажбурият ёздириб олинганини, аризаларини аччиқ устида ёзганлигини баён этган.

Ш.Сунонов жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман суди раиси З.Шониевга пора берганлигида тўхмат қилганлиги сабабли, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ўтказилган, айблов эълон қилиниб, айблов ҳулосаси билан жиноят ишлари бўйича вилоят судига юборилган.



Халқ манфаатлари йўлида



Б.ХОЛМУХАМЕДОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Сурхондарё вилоят бошқармаси
бошлиғи

ган, ҳуқуқбузарларга нисбатан 8,3 млн. сўм молиявий жарима қўлланилиб, 3,8 млн. сўми ундириб олинган.

Шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб келинган импорт товарларни бозорларда сотишдан тушган маблағларни "қора бозор"да валютга алмаштириб, ноқонуний йўллар билан четга олиб чиқиб кетиш ҳолатларига чек қўйиш, уйларига йирик миқдорда валюта алмаштириш билан шугулланувчи шахсларни фош этишга қаратилган тадбирлар натижасида 20 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. 13 та ҳолатда жиноят ва 7 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилган. Ҳуқуқбузарлардан 30415 АҚШ доллари, 30460 Россия рубли, 6900 қозоқ тенгеси ва 50,0 млн. Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олинган.

Бошқарма томонидан 31 та ҳолатда ўзганинг мулкни талон-торож қилганлик ҳолатлари бўйича жиноят ишлари қўзғатилган. Аниқланган ҳолатлар бўйича жами талон-торож қилинган 540,9 млн. сўмлик давлат бюджети ва жамоат манфаатларига етказилган зарарларнинг 194,5 млн. сўми суриштирув даврида жавобгар шахслардан ундириб олинган.

Шунингдек, бошқарма қоидаларини четлаб, айланма йўллар билан кириб келаётган маҳсулотлардан ички бозорни ҳимоялаш мақсадида ўтказилган тадбирлар натижасида 5 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди, 2 та жиноят ва 3 та маъмурий ишлар қўзғатилган, жами 46 млн. 362,0 минг сўмлик товар моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.


Ушбу тадбирларни амалга ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Сурхондарё вилояти

Сурхондарё вилояти 1941 йилда ташкил топган бўлиб, ҳудуди 20,1 минг кв.км. Аҳолиси 2 млн. 139 минг нафарни ташкил этади.

Вилоят туманларга бўйсунувчи 7 та шаҳар, вилоятга бўйсунувчи 1 та шаҳар, 120 та қишлоқ ва 713 та маҳалла фуқаролар йиғинлари, 865 та қишлоқларни ўзида жамлайди.

Вилоят бўйича 31195 та (2011 йил 1 июль ҳолатида) тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. 65 та касалхона, 1 та олий ўқув юрти, 115 та касб-ҳунар коллежи, 5 та академик лицей, 851 та мактаб ва 313 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан Республика Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиққан ҳолда солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахслар томонидан рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш, солиқ тўлашдан бош тортиб даромад қилаётган шахсларни аниқлаш, актив солиғи солинадиган товарларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ҳамда валютга оид жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш мақсадида 2011 йилнинг 1-ярим йиллигида 156 та текшириш ўтказилиб, натижада жами 2 млрд. 547 млн. 102,3 минг сўм маблағнинг давлат бюджетига туширилишига эришилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 158 та жиноят ва 16 та маъмурий ишлар қўзғатилиб, 244 млн. 299,8 минг сўмлик ноқонуний муомалага киритилган товар-моддий бойликларни ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ўтказилган текшириш ва тайинланган ҳужжатли тафтишлар натижасида 1 млрд. 462 млн. 937,4 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 527 млн. 411,9 минг сўми ундирилди ва 221 млн. 139,4 минг сўмлик молиявий жарималар қўлланилиб, шундан 61 млн. 514,1 минг сўмининг ундирилиши таъминланди.

Ноқонуний фаолият юритаётган шахсларни тадбиркорлик субъектлари сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш натижасида 185 ҳужжатли қўйишчи субъектлар рўйхатдан ўтказилиб, жами 249 та янги ишчи ўринлари яратилди. Кўрсатилган амалий ёрдам натижасида улар томонидан 73,2 млн. сўмлик қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва қўшимча хизматлар кўрсатилди. Натижада бюджетга қўшимча 17,9 млн. сўмлик солиқлар тўлаб берилди.

Бошқарма томонидан халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш, даромад ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини пасайтириш, "хуффиё иқтисодий" фаолият кўрсатиш ҳолларини аниқлаш ва олдini олиш ҳамда уларга барҳам бериш мақсадида зарурий чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу тадбирларни амалга ошириш борасида 2011 йилнинг 1-ярим йиллигида 33 та ҳолатда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳовлиларида ҳамда бошқа ёрдамчи ҳўжаликларда ноқонуний тарзда фаолият кўрсатаётган яширин цехлар аниқланиб, 32 та жиноят ва 1 та маъмурий иш қўзғатилди. Улардан жами 33 млн. 240,3 минг сўмлик истеъ-

Термиз туманида 87 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Туманда асосан қишлоқ ҳўжалиғи мўлжалланган 85005 гектар ер майдони бўлиб, туман меҳнаткашлари мустақил юртимизнинг ривожига ва эл фаровонлиғига йўналиш астойдил меҳнат қилишмоқда. Шу билан бирга, фуқароларга қўлай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида янгиланган ўқув масканлари, шифохона ва дам олиш бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Қонун

устуворлиғи — асосий вазифа

Чори ЧОРШАНБИЕВ,
Термиз туман прокурори

Вилоятимиз иқтисодиётида қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш етакчи ўрин эгаллайди. Асрлар давомида аждодларимиз томонидан тўпланган бой тажриба, серхосил тўпрок ва қўлай иқлим шароитининг мавжудлиғи эса, ердан унумли фойдаланиши мизда қўл келмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасида бугун туманда 196 та қишлоқ ҳўжалиғи, боғдорчилик, чорвачилик билан шугулланувчи фермер ҳўжаликлари ташкил этилган. Уларга ҳар томонлама қўлай имкониятлар яратиб бериш мақсадида туман прокуратураси томонидан ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, бундай имкониятлардан нотўғри фойдаланаётган айрим фермер ҳўжалиғи бошликлари ҳам учраб турибди.

Туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 15 февралдаги "2011 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги Қарори юзасидан мутахассислар жалб қилинган ҳолда ўтказилган мониторингларда айрим фермер ҳўжаликлари ер ресурсларидан фойдаланишда суистеъмолчиликларга йўл қўйиб келаётганликлари маълум бўлди. Жумладан, тумандаги солиқ "Лимонзор саховати" сув истеъмолчилари уюшмасига қарашли "Фатхулло шаҳис" фермер ҳўжалиғи фаолияти ўрганилганда, ҳўжаликка қарашли ҳудуднинг 10 сотих ер майдонида Н.Сафарова, мазкур фермер ҳўжалиғига қарашли булган 56-сонли контурдаги экин майдонининг 10 сотих ерига эса фуқаро С.Таджиматова ноқонуний равишда уй-жой қуриб олганликлари аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан фуқаролар Н.Сафарова ҳамда С.Таджиматоваларга нисбатан МЖТКнинг 60-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида иш қўзғатилиб, қўриб чиқиш учун ЖИБ туман судига юборилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалиғида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бўйича ҳам мониторинг ўтказилди.

Денов тумани, "Қорақўз" маҳалласида яшовчи Н.Раҳимов эса Термиз тумани "Ат-Термизий" маҳалласида истиқомат қилувчи Б.Тоҳировни "чўз" туширишнинг антиқа усулини ўйлаб топган экан. У ўзини "Лимонзор саховати" СИУ раиси бўламан деб таништириб, унга 0,15 га ер майдонини ажратиб бериш ҳамда туман ҳокими қарорини чиқариб беришни ваъда қилиб, 3 млн. сўмини форибгарлик йўли билан олади. У қилмиши учун жазо муқаррар эканини кеч бўлсада, англаган бўлса ҳам эмас.

Юртимиз мустақилликка эришгач, таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий Дастури қабул қилиниб, таълим стандартлари яратилди. Янги, мушташам ўқув даргоҳлари қуриб, уларни ўқув техника воситалари билан жиҳозлашга, малакали мутахассисларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта сармоялар сарфланаётганлигини қўриб турибмиз. Ватанимизда бу ишларга давлат бюджетининг қарийб эллик фоизи сарфланадики, дунёдаги ҳеч бир мамлакатда маориф йўналишига бюджет маблағларининг бундай қисми йўналтирилмайдиган.

Шундай бўлса-да, осон йўл билан даромад топиш илн-ҳидаги шахсларнинг учраб туриши ута ачинарлидир. Шундайлардан бири бўлмиш Ф.Сафаров жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб ҳисобчи вазифасида ишлаб келаётган бўлса-да, эгри йўлни танадди. Йўқса у 11-мактабгача таълим муассасаси ишчи-ходимларининг 2011 йил март ойи маошини ОАТБ "Агробанк"нинг Учқизил филиалидан тўлов топириқномаси орқали пластик картончага кириб қилиб, бирор сўмини бермасдан ўз эҳтиёжига ишлатиб юбормас эди-да! "Ҳеч ким билмади-ку" қабилида иш тутган ҳисобчи, яна ходимларнинг март ойи иш ҳақидан 1 млн. 331 минг 391 сўмини пластик картончага кириб қилиб, шундан 939 минг 339 сўмини иш ҳақиға ва унга тенглаштирилган тўловлар учун тарқатиб, қолган 392 минг 062 сўмини ўз манфаати йўлида ишлатиб юборди.

Туман прокуратураси томонидан Ф.Сафаровга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Бундан қарангки, шундан кейин етказилган зарар тўйик қопланиб, 28 нафар ишчи-хизматчининг ҳуқуқлари тикланди. Айбдорга эса суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Республикада давлат мустақиллигини қўлга киритганига ҳам мана яқинда йигирма йил бўлади. Бу орада қанчадан-қанча қонунлар қабул қилинди, ҳаёқ турмушини фаровонлаштириш, жамиятни демократлаштириш бўйича буюк ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари мустақамлаб қўйилди. Республикада инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган қарийб барча ҳалқаро конвенцияларга қўшилди. Баъки шунданмикин, радио ва телевидениеда, газета ва журналларда "инсон ҳуқуқлари" жумласи собиқ Иттифоқ давридагига қараганда кўпроқ тилга олинган бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақиллигининг ilk дамларидан бошлаб "ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўл", яъни демократик тараққиёт йўли танлангани боис мамлакатда инсон ҳуқуқлари таъминлашига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда мен "Маҳкумлар ҳуқуқлари: ҳалқаро ва миллий стандартлар" деган китобнинг тақдимот маросимида иштирок этдим. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш Бош бошқармаси томонидан нашрга тайёрланган ушбу китобда маҳкумларнинг, яъни жиноят содир этиб, одил суд томонидан маълум муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукми этилган шахсларнинг жазони ижро этиш маъсасаларида қўлай шароитларда сақланиш ҳуқуқи, дармон-дориларга бой етарли озиқ-овқат билан таъминланиш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, таълим ва дам олиш ҳуқуқи, тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги ҳуқуқи, юридик ёрдам олиш ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари сақланиб қолиши ва таъминланиши аниқланиб белгиланган. Булар ҳақида собиқ Иттифоқ даврида гапириш мумкинми? Бу ахир Ўзбекистонимизнинг демократик дунё билан ҳамнафас, ҳамкадам эканлигидан далолат эмасми?! Узининг энг олий демократик давлат деб атайдиган АҚШ ва унга ўхшаш бир қанча давлатларда ҳалигача ўлим жазоси сақланиб турган бир пайтда Республикада ўлим жазосининг бекор қилинганлиги, қонуний ҳақ чораларининг либераллаштирилганлиги, санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги ҳақиқий демократия намунаси эмасми?!

Баъзан ўйлаб қоламан. Фақат Ўзбе-

кистонда эмас, балки бутун жаҳонда биринчи навбатда инсон ҳуқуқларини топтаган, уларни поймол қилган шахслар ўзларининг "инсон ҳуқуқлари" хусусида айюҳаннос солишадигандек, жабрдийдалар эса бироз сояда қолгадигандек туюлади, назаримда. Тасаввур қилинг, тоғни урса талкон қиладиган, аммо текинхўрлик касалига мубтало бўлган уч йигит қишлоқ чеккасида истиқомат қилувчи чол-кампирининг сандиғида яшириб қўйган тиллолари бор, деган илинжда қрим тунда уларниқига бостириб киришади. Чол-кампири уриб ўлдириб, кафанликка, маъракаларга деб йиллар давомида тийинлаб йилгилан арзимас бойлиқни олиб кетишадиганда қўшни хонада ухлаб ётган 12 ёшли неварга қиз уйғониб қолади. Босқинчилар унинг бошига шундай урадики, қиз ўлмасда-да, эси бир умрлик кирди-чикди бўлиб қолади. Босқинчилар қўлга олиниб, иш судга оширилганда эса "уч паҳлавон" ёшлиқ қилиб, қалта ўйлашганини, энди бундай ишларга қўл урмасликларини айтиб, суддан ўзларини кечириларини илтимос қиладди. Уларнинг ота-оналари ва қариндош-уруғлари ёллаган уч адвокат эса бири олиб, бири қўйиб, инсон ҳуқуқлари бўйича турли ҳалқаро конвенциялар моддаларини мисол келтириб, суддан йигитларнинг ёшлигини, илгари судланмаганлигини инobatта олишни, энг кам жазо миқдоридан ҳам камроқ жазо тайинлашни илтимос қилишади. Жиноят содир этган "қаҳрамонлар"нинг суд процессида судга мурожаат этиб, "Биз жуда оғир ва кечирилмас жиноят содир этдик. Бизга қонунда белгиланган қўйилган энг оғир жазодан ҳам оғирроқ жазо беринг, тоқим гуноҳларимизни бу дунёда ювиб кетайлик. Эҳтимол, у дунёда бериладиган "дўзах азоблари бироз енгилланилар", дейишларининг шохиди бўлармиканман?

Энди содир этиладиган жиноятлар жабрдийдаларининг топталган, поймол этилган ҳуқуқлари ва уларни қайта тиклаш йўллари хусусида бир мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Айтийлик, бир йигит бир кишининг "Матиз" ини олиб, қирақашлик билан шуғулланади. Кексаёиб қолган ота-онасини боқиб, ян-яғни "Нексия" сотиб олиш, келажакда уйланиб, болачака қўриш, кам-кўстисиз ҳаёт кечирish мақсадида тиним билмай меҳнат қиладди ва маълум маънода орузсига эришади. Ян-яғни бўлмаса-да, ўртаме-

(Кўнгилдан кечган ўйлар)

Йўлдош ПАРДА,
«Huquq»

на "Нексия" сотиб олиб, қирақашлигини давом эттиради. Ҳокимиятда рўйхатдан ўтиб, барча солиқ ва тўловларни ўз вақтида тўлаб боради. Унинг машинасига кўз олайтирган иккита текинтомок эса бир куни унга ақин келиб, Тошкент вилоятининг чекка туманларидан бирига бориб келишлари лозимлигини, эвазига улар йигит шаҳарда уч кунда топиши мумкин бўлган ҳақни тўлашга розилиklarини айтишади. Бироз тортишувдан кейин йигит рози бўлиб, уларни олиб йўлга тушади. Йўлда, кимсасиз далалар бўйлаб кетишадиганда йўловчилардан бири "захар кистаб қолганини" баҳона қилиб, машинани тўхтатиради ва олдиндан кесиб, тайёрлаб қўйилган арматура билан йигитнинг бошига уриб ўлдиради. Улар йигитнинг жасадини йўл четигади ариққа ташлаб, машинани бутунлай бошқа туманга ҳайдашади ва кейинчалик бутун ҳолида ёки эҳтиёт қисм сифатида бўлиб-бўлиб сотиб юбориш мақсадида бир танишларининг бўш ётган гаражига киритиб қўйиб, ўзлари Тошкентга қайтишади. Икки кундан кейин ўли қайтавермагач ва қилинган кўнгирокларга жавоб бермагач, йигитнинг ота-онаси милицияга хабар беради.

Шонли Ўзбекистон милициясида хизмат қилаётган йигитларимиз ҳам андай эмас. Ўтказилган тезкор-кидирув ва суриштирув ҳаракатлари натижада беш кун аввал давлат рақами фалончи-фалончи бўлган, оқ рангли "Нексия" русумли машинага иккита барзанг ўтириб, Тошкент вилоятининг чекка туманларидан бирига йўл олганлиги аниқланади.

Йигитнинг қўлида "Perfectum Mobile" компаниясига қарашли уяли телефон бўлганлигини аниқлаган ходимлардан бири компанияга мурожаат қилиб, бу рақамли телефон аппарати ҳозирги пайтда машина йўл олган туманининг бутунлай қарама-қаршисидаги туман ҳудудида эканлигини билиб олади. Яхшиям, босқинчилар машина қўлга кирганидан руҳлибди, унинг галадониди йигитнинг уяли телефони борлигига эътибор беришуман экан. Бу ёғи энди хамирдан қил суғургандек кечди. Компаниянинг махсус аппарати ёрдамида марҳумнинг уяли телефонида боғланган тезкор ходимлар ҳаш-паш дегунча машина яшириб қўйилган гаражни топишиб, ҳовли эгасини сўроққа тутишди. У эса "ўламан саттор, машина эгасини мен ўлдирганим йўқ. Унинг ўлдирилганидан ҳам беҳабарман. Тўғри, беш кун аввал Тошкент шаҳрида фалончи манзилда истиқомат қиладиган танишларим бу машинани "қайта расмилаштиригимизга шу ерда турсин", деб илтимос қилиб қўйиб кетишганди. Уларнинг айтишича, бу машина бир нарқоманга тегишли бўлиб, улардан олган қаттагина қарзни тўлолмагани боис, эваз қилиб берганимиз. Мен ўшандан бери гаража яқинлашганим ҳам йўқ", деб тавалло қила болади.

Босқинчилар Тошкентдаги қаҳвахоналардан бирида, пиво симириб машинани қандай сотиб юбориш режасини тузишадиганда қўлга олинди. Машина ҳақиқий эгасига, яъни йигитнинг ота-онасига қайтарилди. Марҳумнинг жасади ҳам топиб келиниб, барча расм-русуллари билан дафн этилди. Босқинчилар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Кўриниб турибдики, адолат қисман бўлса-да, қарор топтирилади. Аммо ҳеч нарсадан ҳеч нарсга йўқ уриб ўлдирилган нақирон йигитнинг поймол этилган яшаш ҳуқуқини ким

қайта тиклаб бера олади. Атак-чечак қилиб ўстирган, қўзининг нур-зиёиси бўлган ёлғиз фарзандидан ажраб қолган муштипар она ва мўйсифид отанинг синиқ кўнглини ким бутлай олади?

Ёхуд юқорида қўриб ўтганимиз сандиқдаги арзимас бойлигини олиш учун ўлдириб кетилган чол-кампирининг топталган яшаш ҳуқуқини ким қайта тиклай олади?

Бобоси ва бувисининг иссиқ-совуғидан хабар олиб туриш, чой-пойини дамлаб бериш учун келиб, жиноят қурбонига айланган ўн икки яшар норасида қизининг бузилган ҳуқуқларини ким қайта тиклайди? У бўйга етганда ким унга уйланади, ким уни келин қиладди? Хуллас ечим йўқ муаммолар, жавоби йўқ саволлар бир талай. Яна бир мисолни кўриб чиқайлик. Айтийлик, қишлоқ марказида ўзига тўқ бир киши ўғил уйлантираётди. Тўйдан олдин у қишлоқдошларига "тўйга ҳофизларнинг энг зўрларини таклиф этаман", деб ваъда берган. Шунданмикин, бутун қишлоқ ахли тўйхонада, ёшлар хизматда кексалар иззатда... Тўй гумбуракс давом этмоқда. Бундан фойдаланган қўшни қишлоқлик уч йигит қишлоқ чеккасида жойлашган бир уйни уриб кетишди. Қўрадаги тўртта қўйни, хоналарга тушган патли гиламларни, ўғил уйлашга, қиз чиқаришга мўлжаллаб сандиқларга жойланган сеп-сарполарни юк машинасига ортиб, ғамлаб қўйилган пулларни чўнтақларга уриб, тахминан 20 миллион сўмлик мулкни ўмариб кетишди. Қўлга киритилган бойликдан руҳлибди йўлда бир кафеда тамадди қилишди, уч ишша ароқни бўшатишди. Қўшни туманга кетишадиганда катта анҳор устига қўрилган кўприк устида машинани бошқара олмай сувга қўлаб тушишган. Анҳорнинг бутана сувлари машинани бутунлай кўмиб юборган. Фақат кўприкнинг машина қўлаб тушган еридаги синган-ёрилган жойлари бу ердан оғир бир нарсга қўлаб тушганидан далолат бериб турарди, холос. Орадан бир кун ўтиб машина сувдан чиқариб олинганда, кабинадан сув ютиб ўлган уч йигитнинг мурдаси, машина бортига боғлаб қўйилган тўртта ишишиб кетган қўйнинг ўлги чиққан, холос. Сеп-сарполарни, патли гиламларни сув бутунлай оқизиб кетган. Ҳўш, бундай ҳолатда жиноят жабрдийдасига етказилган зарар ўрнини ким қоплайди?

Ўғримиз, тўғримиз, яхшиям, ёмонми барибир, қўйиб ўлган ўғрилариинг ота-оналари ўз боласини ҳеч қачон ёмон демайди. Ахир, қўнғиз боласини оппоғим дейди, типратикон ошмоғим дейди. Бундан ташқари, "гулдай боламиздан ажраб ўтирибмиз, сен бизга тўртта гиламин билан тўртта қўйингни рўқач қилиб келдингми", демайди. Милицияга арз қилай деса, қўлга олиниб, қамоққа тикилиши лозим бўлган жиноятчиларнинг ўзлари раҳматли бўлиб кетишган...

Бу ҳақда ҳуқуқшунос дўстларимга савол берганимда улар: "бадалларни ўз вақтида тўлаб борадиган миқозларга етиши мумкин бўлган ҳар қандай зарарни тўлаб қўйишга қодир улкан суғурта компанияларини тузиш керак", деган фикрни баён этишди. Шундай қилинса, эҳтимол, жиноят жабрдийдаларининг поймол этилган ҳуқуқларини тўлиқ бўлмаса-да, маълум маънода қайта тиклаш имконияти юзага келар... Сиз бунга нима дейсиз?

Қилиши—кидирмиш

Фирибгар адвокат

Рустам АБУЛХАЙРОВ,

Миробод туман прокуратурасининг катта терговчиси

Тўлқинжон Худойбердиев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) битирув кечасида ўқитувчиларига яхши тилаклар билдириб, келажакда адвокат бўлишини, устозларининг ишончини оқлашини айтганида ҳамма қарсак чалиб юборган, ота-онасининг ҳам қўзларига қувонч ёшлари қалқиган эди.

У орузсига эришди: йиллар ўтиб "Азия-Европа-Консулт" адвокатлик фирмасига раҳбарлик қила бошлади.

Қўнларнинг бирида "Raddus-Jss" МЧЖ ходимларига нисбатан жиноят иш қўзғатилди. У.Жумабоев ушбу жиноят иши ҳаракатдан тугатилишига қўмаклашиши учун "Азия-Европа-Консулт" адвокатлик фирмаси раҳбари Тўлқинжонга мурожаат қилди:

— Акажон, илоҳи борица қонуний йўл билан ҳал қилиб, шу ишни тўхтайтиб берсангиз, хизмат ҳақингизни ортия билан берамиз. Чўнқи онам учун ҳар қандай харажатга тайёرمىз. Онам "Raddus-Jss" МЧЖнинг таъсисчиси.

— Прократура идораларидаги таънишларим орқали МЧЖ ходимларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишини тугатилишига ёрдамлашим мумкин. Лекин бунинг учун сизлар менга 30 минг доллар беришларингиз лозим бўлади.

У.Жумабоев онасига адвокатнинг

сўзларини оқизмай-томизмай етказиб келганида онаси уйланиб қолди. Эртасигаёқ унинг ҳузурига борди. Тўлқинжон унинг ўлиги нима деган бўлса онасига ҳам шу гапларни такрорлади.

Уйга қайтган онаизор бу ҳақда қўп ўйлади. Чўнқи, адвокатнинг бунча кўп миқдорда пул сўрашининг ўзи қонунга зидлигини билиб турарди. Шунинг учун тегишли идорага ариза билан мурожаат қилди. Сўнг адвокатнинг олдига бориб, унга келишилган пулларни олиб келганини айтиди.

Тўлқинжоннинг бу хабардан қўзлари қақнаб, аёлининг қўлларидан пулни олди-да, санамасдан столнинг тортмасига солиб қўйди. Шу пайт Тўлқинжоннинг хонасига ички ишлар ходимлари кириб келиб, текшириш зълон қилишди. Ҳозиргина севинчи ичига сигмай турган Тўлқинжон довидлар, ҳатто ўрнидан туролмай қолди.

Келганлар стол тортмасидан пулларни топиб, ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Мўмайгина пул илинганда бўлган Тўлқинжоннинг қўзлари суднинг қора курсисига ярқ этиб очилиб кетди.

Жабрланувчининг манфаатлари

Ўзбекистонда ҳам дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан кам бўлмаган, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келаётган қонунчилик асослари яратилган. Дунё тажрибасидан маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари аҳолатни қарор топтириш давомида, содир этилган жиноятни фош этиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш, охири-оқибат жабрийдааларнинг топталган ҳуқуқларини тиклашга ҳам катта эътибор қаратади. Хусусан, мамлакатимиз қонунчилигида жиноят оқибатида жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш борасида ҳам қонун нормалари мавжуд. Гарчи, бундай кафолатлар мавжуд бўлса-да, бунинг учун энг аввало, ҳар бир фуқаронинг ўзи фаол бўлиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш ташаббусига эга бўлиши лозим.

ЖПКнинг 56-моддасига мувофиқ жиноят, шунингдек, ақли нормаси шахснинг жамоат учун хавфли қилиниши шахсга, қоронага, муассасага ёки ташиқлотга мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар фуқаровий даъвогар деб эътибор этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътибор этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаганларнинг, шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб эътибор этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонунӣ вакиллари ва прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин.

Ўн тўрт ёшга бўлган вояга етмаганларнинг ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ёки васийлари ҳамда ЖПКнинг 58-моддасига биноан, фуқаровий жавобгар тарикасида ишга жалб этилган қорона, муассаса ва ташиқлотлар зарар уларнинг айби билан етказилмаганлигини исботлаш олмасалар, жиноӣ ҳаракат натижасида етказилган моддий зарар учун жавобгар бўладилар. Вояга етмаганларнинг зарарни қоплаш учун етарли мол-мулкӣ ёки бошқа даромад манбалари бўлмаган ҳолларда етказилган зарар ёки унинг етишмаган қисми бу шахснинг ота-онаси ёки бошқа қонунӣ вакиллари томонидан тўлатилиши лозим.

Шуни ёдда тутиш лозимки, жабрланувчи деганда факатгина жиноят натижасида етказилган маънавий, жисмонӣ, мулкӣ зарар қўрган шахсгагина тушунилмасдан, балки қонунга ҳилоф равишда ушлаб турилгани, эҳтиёт чораси сифатида қонунга ҳилоф равишда қамқоқда сақлангани, ишда жабрланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вази-фасидан қонунга ҳилоф равишда четлашқилгани ёхуд тиббӣ муассасага қонунга ҳилоф равишда жойлаштирилгани натижасида ҳам жабрланувчи деб топилиши мумкин. Бундай шахслар жиноят содир этмаган ёки айбсиз деб топишган шахслар дегиларида ва реабилитация қилинади.

Бундай ҳолларда реабилитация этилган шахснинг ЖПКнинг 310-моддасида назарда тутилган меҳнат қилиш, нафақа олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари ҳам тикланиши лозим. Реабилитация этилган шахсга ЖПКнинг 302-303-моддаларида қўрсатилган қонунга ҳилоф ҳаракатлар билан етказилган мулкӣ зиён, хусусан маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар, пенсия ва нафақалар, башарти уларни тўлаш тўхта-тиб қўйилган бўлса, суд ҳукми-ни ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд қийматлари, юридик ёрдам учун тўланган пул, шунингдек, унга нисбатан суд этилган қонунга хи-

лоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа ҳаражатлар қоплаб берилди.

Реабилитация этилган шахс вафот этган тақдирда зиёни ундириш ҳуқуқига унинг меросхўрлари, боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим бўлганлар жумласига кирувчи оила аъзолари эга бўладилар.

Ҳаётда содир бўлган воқеалардан қўринадики, ҳоҳида эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахс содир этган қилмишини ва етказилган зарар учун даъвои тўла тан олади ёки жабрланувчи билан ўзаро келишиб, етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплашни ўз зиммасига олади. Бу ҳолат, албатта, жабрланувчига етказилган зарарни ундириш масаласини ҳал этишда енгиллик яратади. Бироқ, ЖПКнинг 282-моддаси талабига қўра, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг даъвои тан олганлиги, шунингдек фуқаровий даъвогар, айбланувчи, судланувчи ёхуд фуқаровий жавобгарнинг ўзаро келишганлик тўғрисидаги аризаси фуқаровий даъво бўлиши иш юритишнинг тугатилишига олиб келмайди ва суриштирувчини, терговчини фуқаровий даъвога доир ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш мажбуриятидан, судни эса фуқаровий даъвои кўриш ва ҳал қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Даъводан воз кечилган тақдирда бу ҳолат даъво бўйича иш юритишни тугатишга асос бўлади ва жиноят процессида ҳам, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳам фуқаровий даъвогар ўша шахсга худди шу асос билан даъвои қайта қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Қўпчина, жиноят содир этган шахс жиноӣ йўл билан топишган мол-мулк ёки бошқа шу каби моддий қимматликлардан тезроқ қўтулиш ҳаракатида тушади. Бундай йўл билан қўлга киритилган мол-мулкни аниқлаш ва унинг тақдирини белгилашда ЖПКнинг 285-моддасига мувофиқ тарзда иш юритилади. Жиноӣ йўл билан ортирилган мол-мулкнинг бундан буён қиммат тегishi бўлиши белгиланади.

Жиноят нарсаси бўлмиш мол-мулк учинчи шахсларда топилиб, улардан тортиб олинган ва тегishiлигига қараб қайтарилган бўлса, судланувчи томонидан ушбу мол-мулкни сотиш йўли билан ортирилган пуллар, буюмлар ва бошқа бойликлар суд ҳукми билан давлат эгаллигига ўтказилади.

Агар бу каби мол-мулкни бирон-бир шахс ҳалол йўл билан топишган пулига сотиб олган бўлса, бу мол-мулк ўз эгасига қайтарилиши натижасида сотиб олувчига етказилган зиёни ундириш ҳақида маҳкумга нисбатан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғат-

тиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Фуқаролик суд тартибида даъво қўзғатиш Фуқаролик кодексининг зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар номли бобида белгиланган қоидага мувофиқ амалга оширилади. Масалан, кодекснинг 1006-моддасида айтилишича, фуқаро майиб қилинганда ёки унинг соғлигига бошқача шикаст етказилганда жабрланувчи оладиган ёки олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромадлари), шунингдек, салооматлигига шикаст етказиши туфайли қилган қўшимча ҳаражатлари, шу жумладан даволаниш, қўшимча оқватланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, протез қўйдириш, бировнинг парваришида бўлиш, даволаниш, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш, бошқа касбга тайёргарликдан ўтиш ҳаражатлари, агар жабрланувчининг ана шу ёрдам ва парвариш турлигига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, ўрни қоплатилиши лозим. Боқувчи вафот этган тақдирда қўйидаги шахслар бунинг натижасида қўрган зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлади:

марҳумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган қўнғача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар;

марҳумнинг вафотидан кейин тугилган фарзанди;

меҳнат қобилиятидан қатъи назар марҳумнинг қарамоғида бўлган унинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд қўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам тиббӣ ҳуло-сага қўра салооматлиги бўйича парваришига муҳтож болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиланинг бошқа аъзоси;

марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган шахслар.

Ишламайдиган ва марҳумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган қўнғача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёхуд оиланинг бошқа аъзоси парвариш-лашга амалга ошириш даврида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган тақдирда, ана шу шахсларни парваришда тугаганидан кейин зарарни ундириш ҳуқуқини сақлаб қолади. Зарар қўйидагиларга тўланади:

вояга етмаганларга - ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар;

ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга - ўқувнинг қўнғача шаклида ўқишни тугатгунча қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча;

элик беш ёшдан ошган аёлларга ва олтимчи ёшдан ошган эркекларга - умрбод;

ноғиронларга - ноғиронлик муддатига;

марҳумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини улар ўн тўрт ёшга тўлгунча қадар парваришда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёхуд оиланинг бошқа аъзосига.

Агар зарар етказган фуқаро вафот этса, зарарни қоплаш мажбурияти унинг вафотидан кейин меросхўрлари қабул қилиб олган меросхўрларига ўтади. Бироқ, меросхўрлар жабрланув-

чининг олдидан ўзларига мерос бўлиб ўтган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Лекин шу билан бирга, зарар билан зарарнинг фарқи борлигини ҳам унутмаслик керак. Яъни ҳар қандай зарар ҳам тўланавермайди. Хусусан, ФКнинг 987-моддасига қўра, зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар, агар бунда мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, тўланмайди.

Агар ғайриқонунӣ тажовузда ҳимояланиш пайтида ҳимояланувчи учинчи шахсга зарар етказган бўлса, бу зарар тажовузда қилган шахс томонидан тўлатилиши лозим.

Аслида, зарурий мудофаа-нинг ўзи нима ва қандай ҳатти-ҳаракатлар зарурий мудофаага кирди, деган саволга аниқлик киритиб олиш зарур.

Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофаланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қўнғача ҳилоф тажовузлардан тажовузчиға зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат зарурий мудофаа деб тушунилади. Бундай ҳаракат зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлсагина, жиноят деб топилади. Аммо, ҳар бир нарсанинг меъёри бўлгани каби зарурий мудофаа ҳам чегара мавжуд бўлади. Зарар етказиш мақса-дида қасддан ҳужум қилиш ис-тагини қўзғатиш зарурий мудофаа деб топилади.

Тажовузнинг хусусияти ва хавфлиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб деб топилади.

Ҳоҳида шундай ҳолатлар ҳам бўладики, жиноят содир этилиш натижасида ўз мол-мулкидан маҳрум бўлган айрим одамлар жиноят фош этилиб, йўқотилган мол-мулк топишган тақдирда ҳам унинг ҳақиқий эгаси ўз мулкни турли хил сабабларга қўра уни қайтариб олишдан воз кечи, қийматини тўлаб берилишини даъво қилади. Бундай ҳолларда суд ЖПКнинг 288-моддаси талабларига таяниб, бундай мол-мулкнинг бундан буён қиммат тегishi бўлишини белгилайди. Агар суд мол-мулкдан воз кечинчи асос-сиз деб топса, даъвои қондир-майди ёки қисман қондириб, қайтарилмайдиган мол-мулкнинг қиймати қанчага пасайган бўлса, шу сўмани ёхуд товар қўринишини йўқотганлиги сабабли таъмирлашга қилинади-ган қиммат сўмани ва тово-нини жабрланувчи ёки фуқаро-вий даъвогар фойдасига унди-риб беради. Мол-мулкнинг дастлабки ва кейинги қиймати ҳамда товар қўринишини йўқот-ганлиги учун тово пули мутахас-сис ёки эксперт иштирокида, таъмирлаш қиймати эса таъ-мирлашга амалга ошираётган қорона берган ҳужжат асосида аниқланади.

Жабрланувчиларнинг содир этилган жиноят натижасида қўрган моддий зарарларини суд томонидан қўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Жиноӣ ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласи-га доир суд амалиёти тўғриси-да"ги 1998 йил 9 ноябрь қўни қарори муҳим аҳамият касб эта-ди. Ўнда айтилишича, дастлаб-ки тергов давомида фуқаровий даъво талаби келтирилмаган бўлса, суд ўз ташаббуси билан жиноӣ ҳаракат натижасида ет-казилган моддий зарарни қоп-лаш масаласини муҳокама

Дониёр ХАЛИЛОВ,
«Huquq»

қилиб, бу мажбуриятни маҳкум зиммасига юклаш ҳақида қарор чиқаришга ҳақлидир.

Амнистия акти қўлланиши туфайли тергов органларининг қарори ёки суд ажрими билан жиноӣ жавобгарликдан озод этилган шахсларга нисбатан фуқаровий даъво қўрмай қолди-рилганда манфаатдор шахслар-га фуқаровий ишларни юритиш тартибида даъво билан судга муурожаат этиш ҳуқуқлари ту-шунтирилади.

Жиноят содир этилиши оқибатида етказилган моддий зарарнинг ундирилиши ҳақида гапирилган экан, инсон нафақат моддий, балки маънавий жи-ҳатдан ҳам зарар қўради. Гар-чи бундай зарарнинг ўрнини қоплаш, яъни жиноятнинг (қан-дай қўринишда бўлишидан қатъ-ий назар) инсон руҳиятига ет-казган таъсирининг ўрнини ҳеч бир нарсга билан қоплаб бўлма-са-да, амалдаги қонунларимиз-даги инсонпарварлик, гуманизм тамойиллари уни қисман бўлса-да енгиллаштишга қаратил-ган нормалари мавжуд. Жумла-дан, жиноят ишда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги фуқаровий даъвои кўришда суд маънавий зарар моддий жиҳатдан қоплатишга факат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилишини ёдда тутиши лозимлиги қайд қилинган.

Жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақида гапирилган экан, мамла-катимизнинг жабрланувчилар-нинг ҳуқуқ ва қонунӣ манфаат-ларини ҳимоя қилиш, уларга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш бо-расидаги ҳуқуқий кафолатлар халқаро ҳуқуқ нормалари дара-жасида аянда тақомиллаштири-либ борилаётганини ҳам таъ-кидлаб ўтиш жоиз. Албатта, ҳаётда қўтилмаган турли хил воқеа-ҳодисалар рўй бериб ту-ради. Улардан зарар етмасли-гидан ҳеч қан қафолатланган эмас. Жумладан, транспортдан фойдаланиш ҳараёнида рўй бе-риши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг зарарли оқибат-ларини минималлаштириш, қўрилган зарарнинг ўрнини қоп-лаш мақсадида 2008 йил 22 ок-тябрдан "Транспорт воситала-ри эгаларининг фуқаролик жа-вобгарлигини мажбурий суғур-та қилиш тўғрисида"ги Ўзбекис-тон Республикаси Қўни қў-га кирди. Мазкур қонун транс-порт воситасидан фойдаланиш жараёнида жабрланган шахс-ларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар-нинг ўрни қоплатишнинг кафо-латланиши каби муносабатлар-ни тартибга солишга қаратил-ган. Мазкур қонун транспорт воситасидан фойдаланувчи ҳар бир автотранспорт эгасига транспорт воситаларидан фой-даланишда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлиги учун ў фуқаролик жавобгарлигини суғурташларни шартлигини белгилаб берди.

Мамлакатимизда мустақил-лигининг илк қўнлариданок, ҳар бир ишнинг ҳуқуқий замини яратилишига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг кафолати қонун нормалари билан мустаҳ-камланиб, замон талаблари дара-жасида тақомиллаштириб бо-рилмоқда. Зеро, бутунги қўнда олиб борилаётган барча соҳа-лардаги ислохотларнинг тўб за-мири ҳам энг аввало инсон ва унинг манфаатлари ҳимоясига қаратилгандир.

Адолат тарозуси

Фуқаролик жамиятини барпо этиш мобайнида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ваколат доиралари аниқ-равшан белгилаб берилмоқда. Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олиш санкциясининг суллар ваколат доирасига ўтказилиши учинчи ҳокимиятнинг родини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Адвокатура ўзига яраша мавқени эгаллаб, айблов ва ҳимоя томонларининг тенглик принципи қарор топаётди, суллар томонидан одилона ҳукми ёнқи ҳал қилув қарорларининг чиқарилиши кафолатланапти. Фуқаролик жамиятининг талабларидан бири - суд ҳокимияти мустақамлашмоқда.

Жиноят, ҳўжалик ва фуқаролик ишлари судларида қўрилатган ишларда прокурор ваколатини таъминлаш орқали қонуний, одилона ҳукми ёнқи қарор чиқарилишига эришиш борш прокуратура органлари зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардандир. Республика Бош прокурорининг "Судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида"ги буйруғи талабларига қатъий риоя қилинмоқда. Суд қарорларининг қонунийлигини таъминлаш, жиний қўлимининг ижтимоий ҳавфлилик даражаси, судланувчининг шахси эътиборга олиниб, адолатли жазо тайинланишига эришилмоқда. Тергов ва суд амалиётида юзага келган масалалар ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда тезкор йиғилишларда муҳокама қилинапти. Жиноятларни келтириб чиқарган бевоисита ва билвоисита сабабларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиб борш орқали жиноятчилик ва ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш устида иш олиб борилапти.

Жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколати тўлиқ таъминланапти. Утган ярим йилда судлар томонидан 3549 нафар шахсга нисбатан 2324 та ишларда, шу жумладан, 377 та оғир ва ўта оғир ишларда, 84 та воёга етмаганлар иштирокидаги ишларда прокурорлар иштирок этишди. Шунингдек, апелляция, кассация, назорат тартибидаги барча ишлар прокурорлар иштирокида қўриб чиқилди. Адолатли қарорлар қабул қилиниши таъминланди.

Шу билан бирга, вилоят прокуратураси ҳайъатининг йиғилишида жиноят ишлари қўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш борасида йўл қўйилган камчиликлар кескин танқид қилиниб, шахар, туман прокурорларининг масъулиятини ошириш чоралари қўрилди.

Суд-ҳўқуқ ислохотлари жараёнида таркиб топан жиноят ишлари судлари, ҳўжалик судлари, фуқаролик судларини адолат тарозусига қўйлаш ўринлидир. Улар жиний қўлиминларга нисбатан одилона ҳукми чиқариб, қорхона ва муассасалар, фуқаролар ўртасидаги турли низоларни қонуний, ҳаққоний ҳал этишга интилишмоқда. Биринчи инстанция судларининг қарорлари апелляция, кассация, назорат тартибида қўриб чиқилмоқда. Процессуал нормаларга, амалдаги қонун талабларига зид равишда чиқарилган қарорлар қонунга мувофиқлаштирилапти ёҳуд бекор қилинапти. Кучга кирган қарорлар бўйича жавобгарлар томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарлар ундирилмоқда. Ҳўжалик субъектлари, фуқароларнинг моддий, мулкӣ ва бошқа ҳўқуқларининг ҳимоя қилиниши таъминланмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳўжалик судларида ишларнинг қўрилишида ҳам прокурор ваколатини таъминлаш борасидаги қонун талабларига қатъий риоя қилинмоқда. Шу йилининг биринчи ярмида вилоят ҳўжалик судида қўриб чиқилган 7235 та ишнинг 5654 тасида ёнқи 78,1 фоизда прокурорлар иштирок этишди. Прокурорлар иштироки аввалги йилининг ана шу даврига нисбатан 2 фоизга ортди.

Вилоят прокуратураси органлари судларга қорхоналар ва фуқаролар ҳамда давлат манфаатларини қўлаб қиритаётган даъво аризалари қонун талабларига риоя қилиниб, қўриб чиқилмоқда. Ҳўжалик юритиш фаолияти

билан машғул қорхона ва ташкилотларнинг ҳўқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини тўқис таъминлаш, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари манфаатларини қўлаб сулларга даъво аризалари киритиш ҳамда етказилган зарарни ундириш амалиёти таҳлил этиб боришмоқда. Бу борадаги иш самарадорлигини яхшилаш чоралари қўрилмоқда. Утган олти ойда ҳўжалик судларига 9,5 млрд. сўмлик маблағни ундириш ҳақида 606 та даъво аризаси киритилди. 2010 йил биринчи ярмидаги нисбатан киритилган даъво аризалари суммаси 3,3 млрд. сўмга, аризалар миқдори эса 32 тага қўлайди. Шу жумладан, кичик бизнес намоёндалари манфаатларини қўлаб, жами 2,5 млрд. сўмни ундириш ҳақида киритилган 54 та даъво аризаси қаноатлантирилди. Судда қўрилиб қаноатлантирилган 8,6 млрд. сўмлик 568 та даъво аризаси бўйича 7,1 млрд. сўмлик зарар ундирилди. Жорий йилда шартномавий муносабатларга оид, айниқса, кичик бизнес намоёндалари ва ҳўсусий тадбиркорлар манфаатларини қўлаб киритилган даъво аризаларининг сони, ундирилган маблағларнинг миқдори сезиларли даражада ортди.

Прокуратура органлари томонидан судга даъво аризалари киритилиб, кичик бизнес намоёндаларининг ҳақлари ундириб берилмоқда. Бунга Марҳамат туманилик яққа тартибдаги тадбиркор А.Муталибовнинг "Марҳамат инвест фаворит" МЧЖга етказиб берган қўрилиш материаллари ҳақини ундириш ҳўсусида ҳўжалик судига киритилган даъво аризасини мисол тариқасида келтириш мумкин. Даъво аризаси қаноатлантирилиб, тадбиркорга МЧЖдан 13,1 млн. сўмни ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди. Жавобгар — МЧЖ маъмурияти даъвогарга қарзини тўлиқ тўлади.

"Фаргоназот" ОАЖ эса Андижон шахридаги "Лок-техник" кичик қорхонаси қўрсатган хизматлар ҳақини — 109,3 млн. сўмни узок вақтдан буён тўламай келган. Шу йил март ойи бошида акциядорлик жамиятидан қарзини ундириш ҳақида қўзғатилган даъво ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, кичик қорхонанинг ҳақи тўлиқ тўланди.

Қонунчиликда қарзлар ундирилишидан ташқари тадбиркорлар билан ҳисоб-китоби ўз вақтида амалга ошириш чораларини қўрмаган мансабдор шахсларнинг интизомий, маъмурий, жиний жавобгарликка тортилиши ҳам кўзда тутилган. "16-автотранспорт ҳўжалиги" МЧЖнинг даъвоси бўйича юритилган ҳўжалик ишини қўриб чиқиш мобайнида қарздор "Савай-Оқбурасой" ирригация тизими бошқармаси 3 йилдан буён 4,5 млн. сўмдан иборат транспорт хизмати ҳақини тўлашдан бўйин товлаб келгани аниқланиб, ушбу ҳолат бўйича текширув ўтказиш ҳақида ҳўжалик судининг ҳўсусий ажрими чиқарилди. Ҳўжабод туман прокуратураси томонидан ҳўсусий ажрим бўйича терговли ҳаракатлари олиб борилиб, ирригация тизими бошқармасининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Бирок, ҳўжалик суди томонидан биринчи босқичдаёқ барча ишлар тўлатўқис, ҳаққоний қўриб чиқилпти, деб бўлмайдди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги чўқур ўрганилиб, зарур ҳолларда протест келтириляпти. Утган ярим йил мобайнида нўқонуний суд қарорларига нисбатан ўз вақтида протест келтириш борасида қонун-

Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,
Андижон вилоят прокурори
ўринбосари

да белгиланган ваколатдан тўла ва самарали фойдаланиш чоралари қўриб борилиди. Суднинг биринчи инстанциясида қўрилган 58 та иш прокурорлар иштирок этган апелляция босқичида қўриб чиқилиб, 20 та иш бўйича қабул қилинган қарорлар (шу жумладан, 18 та ҳолатда прокурор протести билан) ўзгартирилди ёнқи бекор қилинди. Бу борадаги иш самарадорлиги 90 фоизни ташкил этиб, утган йилга нисбатан 0,6 фоизга ортди.

Бундан ташқари, прокуратура томонидан суд ҳўжатларига нисбатан киритилган кассация протестларининг 15 таси қаноатлантирилиб, фақат 1 таси рад этилди. Кассация протестларининг самарадорлиги утган йилга нисбатан 8 фоизга ортди, 75 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, суд қарорлари устидан юридик шахслар ҳамда фуқаролардан тўшган ариза ва шикоятлар тегишли ишни батафсил ўрганган ҳолда қонуний ҳал этиб бориляпти.

Бош прокурорнинг "Судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш ҳақида"ги буйруғи бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, утган олти ойда муайян натижаларга эришилди. Фуқаролик судлари томонидан биринчи инстанция тартибида қўрилган ишларда прокурор ваколатининг таъминланиши утган йилга нисбатан 1,1 фоизга ортди, 92,9 фоизни ташкил этди. Ёнқи қўрилган 17927 та ишларнинг 16672 тасида прокурор ваколати таъминланиб, тегишли фикрлар билдирилди, ҳўлосалар берилди.


Прокуратура органлари фуқаролик судларига ердан фойдаланиш, қорвачилик, табиатни муҳофаза қилиш меҳнат муносабатлари, жиний қўлиминлар бўйича етказилган жами 1 млрд. 123 млн. сўмлик зарарларни ундириш ҳақида киритган даъво аризалари қаноатлантирилди. Шундан 1 млрд. 65 млн. сўми ёнқи 92 фоизининг ижро ҳўжатлари асосида ундирилишига эришилди.

Фуқаролик судларида ота-оналик ҳўқуқидан маҳрум қилиш, муомала лаёқатини келлаш ёнқи муомалага лаёқатсиз деб топишга оид ишлар ҳам қўрилмоқда. Афсуски, айрим ота-оналар ўз фарзандлари тарбияси билан шуғулланмаган ҳолатлар ҳамон учрамоқда. Утган олти ой мобайнида прокуратуралар томонидан киритилган ота-оналикдан маҳрум этиш ҳўсусидаги 26 та, муомалага лаёқатсиз деб топиш, муомала лаёқатини келлашга доир 7 та даъво аризалари судларда қўрилди ҳамда қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Вилоят прокуратураси органлари зарур пайларда айрим суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш ёҳуд бекор қилиш ваколатларини ҳам қўллашяпти. Апелляция тартибида келтирилган шикоят ва протестлар асосида қўрилган 205 та фуқаролик ишлардан 25 таси бўйича чиқарилган суд қарорлари прокурорлар келтирган протестлар асосида ўзгартирилди ҳамда бекор қилинди.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг кассация инстанциясида 233 та фуқаролик ишлари қўрилди. 40 та ишлар бўйича суд қарорлари прокурор протести асосида бекор қилинди ва ўзгартирилди. Шунингдек, вилоят суди Раёсати томонидан назорат тартибида қўрилган 10 та фуқаролик иши бўйича суд қарорлари бекор қилинди. Шу тариқа ҳар битта фуқаролик ишининг қонуний ҳал этилиши таъминланмоқда.

Ҳўлоса қилиб айтадиган бўлсак, жиноят ишлари, фуқаролик ишлари, ҳўжалик ишлари қўрилишида прокурор ваколатининг таъминланиши қонуний, адолатли қарор чиқарилишининг кафолатларидандир.



Мамлакатимиз мустақиллигининг илк қўнлариданоқ навиқрон авло таълим-тарбияси, уларнинг истиқболини қўлаб олиб боришган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ юртимиз таълим тизими тўлаан ислох этилди. Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базаси замон талаблари даражасига қўтарилиб, таълим муассасалари янгилақ кнѳа касб этмоқда.

Ислохотлар самараси

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

15 июль куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда "Касб-ҳўнар коллежлари ва академик лицейлар, умумий ўрта таълим мактаблари ва маънавият масканларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасидаги устувор вазифалар ва интернет тармоғидаги ҳаҳолат, оммавий маданият ва бошқа турдаги ёт гоғларга қарши кураш самарадорлигини ошириш дастурлари" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжумани ҳам таълим тизимидаги ислохотлар ҳақида бўлди.

Анжумани Халқ таълими вазирининг ўринбосари Баҳоидир Аҳмедов кириш сўзи билан очиб берди. У ўз маърузаси давомида Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим-тарбия жараёнларида илгор педтехнологиялар асосида ишлаб чиқарилган интерфол усулларининг жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилиб, жумладан, вазирлик, ҳудудий бошқармалар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ўртасида алоҳида корпоратив тармок (VPN канали) ташкил этиш бўйича Ўзбектелеком (Узнет) билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилганлиги, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқувчи ёшларга касблар тўғрисидаги бошланғич маълумотларни етказиш учун ўзбек ва рус тилларида "Касблар олами" ("Мир профессий") электрон дастурининг жорий этилганлиги, шу жумладан, вазирлик тасарруфидаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази, Республика таълим маркази ва республикадаги дастурий маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган қорхоналар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Ўзбекистон буюк келажак сари", "Юскак маънавият" каби электрон ресурслар ва бир қанча ўқув-видео қўлланмаларнинг алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

Анжуманда Маданият ва спорт вазирлиги, Халқ таълим вазирлигининг масъул ходимлари, Бош прокуратура ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда бутун умумтаълим мактабларида яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш ва таълим-тарбия самарадорлигини таъминлаш, таълим муассасаларидаги мавжуд компьютер техникасида мақсадли фойдаланиш, "ZiyoNET" порталини унумли ишлатиш, муҳими ёшларни Интернет тармоғидаги турли ёт гоғлардан ҳимоя қилиш ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга доир соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди.

«Осмондан тушган пуллар»

ёхуд фирибгарга чўв тушган аёллар қиссаси



Қишнинг қоқ ўртаси эмасми, соат олти бўлмай ғира-шира тушиб қолган. Ўғлини боғчадан эртароқ олиш учун шошилиб кетаётган Нозима (айрим исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) йўлига чиқиб дабдурустадан гап бошлаб қолган йигитдан чўчинқираб тўхтади. Йигит эса бунга парво ҳам қилмай бир нимадан хурсанд одамдай гапиришдан тўхтамас эди. Рус тилини унча яхши билмаса-да, Нозима тушундики йигит ҳозиргина етти минг доллар топиб олган, шунинг учунми, омадга ишониш кераклиги ҳақида бир нималар деяётган эди.

Йигит шундай деб чўнтагидан хориж киноларидаги каби рулон қилиб ўралган долларларни чиқариб кўрсатди-да сўнг ўзининг йўлидан кета бошлади.

Нозима "Пул топган сен, менга нима" деб кетавериши мумкин эди-ю, лекин бундай бўлмади. Улгуролмади. Шу пайт қаердандир бир йигит улар томонга югуриб келиб шошилиб-тутилиб сўради:

— Ҳозиргина шўттан ўтувдим, етти минг долларимни тушириб қўйибман. Топиб олмадингларми?

— Анави одам топиб олган, шекилли, — деди беихтиёр Нозима "Нима гап экан" дегандай тўхтаб уларга қараб турган йигитни кўрсатиб.

Боягина илжайиб турган, пул топдим деб мактанаётган йигитнинг эса башараси ўзгарди, ўзини йўқотиб қўйди.

— Йўқ, йўқ, бу хотин тушунмапти мени, — бинойидай ўзбекча гапира бошлади пул топган йигит, — мен унга ҳозир иккита бола пул топиб олдим деб анави томонга югуриб кетганини гапириб турувдим.

— Алдамаяпсизми? Ўша болаларни кўрсатинг унда! — пул йўқотган йигит негадир унга овозини баландлатиб гапира бошлади. Сўнг Нозимага ўғирилди:

— Қайси бирингининг гапинга ишонай? У рост гапираяптими?

Вазиятнинг бунақа тус олишини кўтмаган Нозима шошиб қолди. "Билмасам" деб елкасини қисқанча тезроқ бу ердан узоқлашиш пайига тушди.

— Шошманг, кенойи, — уни кетишга қўймади пул йўқотган йигит, — гап етти минг доллар устида кетаяпти. Етти минг доллар!

— Э, бор-э! — Нозима шахт билан кета бошлади.

Йигитнинг шашти пасайиб, ялинишга тушди. Нозима унга ачингандай бўлиб, нима қиларини билмай қолди.

— Илтимос, брат, манга ўша болаларни кўрсатинг. Қайси томонга кетишди? — пул йўқотган йигит шундай деб пул топиб олган йигит-

нинг қўлидан тортқилай бошлади.

— Парк томонга кетишди. Сен боравер, ҳозир етиб оламан. Ҳали узоққа кетишмагандир, — пул топиб олган йигит шундай деб, пул йўқотгани нарироққа жўнатиб ортига бурилди.

Ҳалиям нималар юз берганига тушунолмаётган Нозима унинг ортига қайтганини кўриб қалапайи учиб кетди.

— Сал қолди сотиб қўйишингизга, синглим. Манави сизда турсин, кейин келаман, бўлиб оламиз. Фақат кетиб қолманг. Анавини нарироққа жўнатиб юборай, — у шундай деб Нозимага доллар ўрамини узатди.

Нозима уни олишиниям, олмаслигиниям билмай қаловланиб турганида, йигит "Олақолсангиз-чи энди, ҳозир "хит"лаб қолади" деди зарда билан.

Нозима пулни олиб, пальтосининг чўнтагига тикди.

Лекин йигитнинг кетмай турганини кўриб, "Яна нима?" — деди.

— Каранг, мен сизга шунча пулни ишониб бераяман. Алдаб кетмайсизми? Яхшиси пулни қайтаринг, ўзим амаллайман ёки анавинга қайтариб, суюнчисига 100 доллар сўрайман, — деди йигит ғамгин бир қиёфага қириб.

Нозима қўллари билан пальтосининг чўнтагидagi пуллари пайпаслар экан, негадир дадиллашди.

— Алдамайман, фақат тенг ярами меники.

Йигитнинг юзи ёришгандай бўлди.

— Унда менга "залог" учун бирон нима беринг. Тилла узукми, зиракми фарқи йўқ. Бўла қолинг, анави яна қайтиб келаяпти бу ёққа.

Пул йўқотган йигит ростдан ҳам улар томонга қайтиб келаятган эди.

— Мана, ҳозир, — Нозима шундай деб қулоғига таққан тилла зиракларини шоша-пиша ечиб йигитга узатди.

— Ярим соатда қайтаман, кетиб қолманг, — йигит шундай деб, зиракни олиб йўлак бўйлаб югуриб кетди.

"Етти минг доллар-а! Дол-

лар деганлари мунча ёқимли бўлмаса!". Нозима пальтоси чўнтагидagi доллар ўрамини қисмлаб кўяр экан, ўзича хомчут қила бошлади. "Етти мингнинг ярами уч ярим минг бўлади. Уч ярим минг доллар! Бунча пулга нималарни сотиб олса бўлмайди, дейсан..."

Шу ҳаёлларда анча турди. Ярим соат эмас, бир соат ўтса ҳамки, бояги йигитдан дарак йўқ. Ширин ҳаёлларга берилиб сезмаган экан, оёғидан совуқ ўтиб увуша бошлади.

"Кетаман, шунча кутдим. Келмаса ўзидан кўрсин". Аслида у ич-ичидан йигитнинг қайтиб келмаслигини истаётган эди. Ахир шунда етти минг долларнинг ҳаммаси бус-бутунича унга қолади. "Лекин кейин қидириб мени топса-чи? Унда ярминиям бермаслиги мумкин. Нима қилиш керак?"

Шу пайт бир аёл боласини етаклаб ўтиб қолди-ю унинг боғчадаги ўғилчаси эсига тушди...

Ўғли хархаша қилавериш безор қилган экан чоғи, тарбиячи аёлдан эшитадиганини эшитди. "Бола битта сиздамас, бизам уйимизга вақтида боришимиз керак. Эпласайиз боғчага беринг..." ва ҳокзо. Бу гаплар Нозиманинг хуш кайфиятини қўпам бузмади.

Тезроқ уйига бориб, доллар санаш истаги баридан устун эди. Остона ҳатлаб уйига кирдию бармоқларини чўғдай қўйдирётган долларларни чўнтагидан чиқарди. Ўрам устидаги резинани ечдию хуши бошидан учиб, эшикка суяниб қолди.

Бир томонига доллар сура-ти туширилган қозғолар ҳар томонга сочилиб кетди.

"Бугун ҳам ишга кеч қолдим. Бошлиқдан гап эшитишим аниқ". Шу ўйда яхлаб, сирпанчиқ бўлиб кетган йўлакдан пилдирабгина мет-ро томон кетаётган Мунира қизик бир ҳолатнинг гувоҳи бўлди. Ундан сал олдинроқ бораётган йигит шундоқ йўлакда ётган конвертти олиб очиб кўрди ва ҳайратдан хуштак-чалиб юборди. Кейин атрофга аланглаб туриб, шоша-пиша конвертни чўнтагига тикди. Мунира азбаройи қизикқанидан ишга кечикаётганини ҳам унутиб йигитдан, "Конвертда нима бор экан" — деб сўради.

Йигит ўзбекча тушунмади ё ўзини тушунмаганга олди.

— Нима топиб олдингиз деб сўрайман, — деди Мунира рус тилида.

Йигит илжайди. Сўнг унга ажилашди-да:

— Омадим келганга ўхшайди. Ҳозир, шу ернинг ўзида 4200 доллар топиб олдим, — деди секингина.

Шу пайт қарама-қарши тарафдан бошқа бир йигит югуриб келиб, ўпкаси тикилгандай бўлиб сўради:

— Ҳозиргина пулимни йўқотдим. Конвертда эди. Шу атрофда тушириб қўйган бўлсам керак. Кўрмадингларми?

Мунира энди оғиз жуфтлаган эди, боя конвертни топиб олган йигит унга бошини чайқаб "жим" ишорасини қилди. Мунирани ваҳима босди. Нима қилишниям, нима дейишниям билмай турганида, унинг жонига яна ўша йигит оро кирди:

— Пулга маҳкам бўлиш керак-да, оғайни. Биз-ку пулниям, конвертнIAM кўрмадик. Лекин ҳозир битта "чувак" пул топдим деб, анави томонга югуриб кетди, — деди.

— Қайси томонга? Ўша болани кўрсангиз танийсизми? Илтимос, кўрсатинг ўшани ака, — ялина бошлади нариги йигит.

— Хўп, хўп. Ўша томонга боравер, ортингдан бораман, — конверт топиб олган йигит шундай деб, Муниранинг олдида тўхтаб қолди. Пул йўқотган йигитча нарироқ кетиши билан у чўнтагидан доллар тўла конвертни чиқариб Мунирага тутқазди.

— Бу сизда турсин. Ҳозир қайтиб келаман, анави оварсини нарироққа жўнатоврай. Кейин буни арра қиламиз.

— Йўқ, менга керакмас, — ортига тисарилиди Мунира.

— Олсангиз-чи, тезроқ. Қанақа аёلسиз ўзи? Бу осмондан тушган пул-ку биз учун. Ҳеч кимга индамасангиз, тенг ярами сизники. Фақат кетиб қолманг.

Мунира беихтиёр конвертни олди. Олди-ю шоша-пиша сумкачасига солиб қўйди.

Йигит бир-икки қадам юриб, бир нима эсига тушгандай изига қайтди.

— Синглим, сизга шунча пулни ишониб ташлаб кетаяман. Ишончли бўлиш учун сиз ҳам менга бирон нарсангизни беринг. Билиб бўладими, яна фирингиз ўзгариб қолса...

Мунира қўлидаги телефонини узатди.

— Йўқ, бу бўлмайди, бошқа нараса беринг. Ана, тақинчоқларингизни берақолинг. "Залог" бўлиб туради-да менда.

Мунира беихтиёр қўллари яширди. Сўнг 4200 доллардан тегадиган улушни ўйлаб, иккала бармоғидаги тилла узукларини ечиб, йигитга узатди.

Йигит узукларни қўлида салмоқлаб кўрар экан, тилла-

Ҳамид АҚРАМОВ,
Мирзо Улуғбек туман
прокурори ёрданчиси
Шавкат ЁДГОРОВ,
«Huquq»

лигига ишонч ҳосил қилди чоғи, "Бўпти, синглим ҳозир келаман. Фақат кетиб қолиш бўлмасин-а" — дея пўписа қилгандай ишора қилди. Сўнг югуриб бориб нарироққа кетаётган пул йўқотган йигитга етиб олди.

Мунира фикрини жамлаб улгургунга қадар йигитнинг қораси кўринмай қолди. Тоқатсизланиб турар экан, ҳаёлига келган фикрдан юраги шигиллаб кетди. Шоша-пиша сумкасидан четлари гижим-ланиб кетган конвертни олди-да очиб кўриб, беҳол ўтириб қолди. Конверт ичида бир томонига доллар сурати туширилган бир даста қоғоз жойланган эди...

— Бу усулинг жуда эски-ю, иш берамикан?

Александрга унча ишонқирамай қаради Ботир.

— Шу пайтгача иш берган афера бундан кейин ҳам иш беради, — деди у ишонч билан. — Осмондан тушган пул олдида мана-ман деган аёл тиллаларини ўз ихтиёри билан қўлининг тутқазади.

"Кўр-кўрни қоронғидаям толади" деганларидади, Қогон шаҳридан "Тошкентга саёҳат" қилган Александр Ключев темир йўл вокзалида қандайдир Ботир исмли йигит билан танишиб қолади. Иккови ҳам қилмишлари учун муқаддам бир неча бор жазо ўтаб чиққанликлари учунми тезда гаплари ҳам келишиб кетади. Гап орасида Александр агар шерик топилса, бир-икки сўм ишласа бўладиган режаси борлигини айтиб ўтади.

Хуллас, унинг режасига кўра, Александр ўзини пул топган одамдай тутиши, Ботир эса пул йўқотган шўрликнинг ролини ўйнаши керак эди. Шу тариха улар шаҳримиз кўчаларида ёлғиз кетаётган аёлларни чўв тушириб, тилла тақинчоқларини алдаб олиш билан шуғулланиб келишган.

Аммо бу найрангбозлик узоқ давом этмади. Шундай замондаги бир неча ариза тузиши билан уларнинг изига тушилди. Қисқа муддат ичида улар қўлга олинди, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланди.

Эски усулдаги афераси билан пойтахтда ном чиқармоқчи бўлган фирибгарлар суд ҳукми билан тегишли жазосини олишди.

Бузоқнинг югургани...

Физика фанида Броун ҳаракати деган термин мавжуд. Унга кўра жисм таркибидаги молекулалар тартибсиз, яъни мақсадсиз ҳаракат қилади. Лекин онган инсон Броун ҳаракатига умуман тескари пропозицияга бўлиб, у муайян тартиб ва маълум белгилаб қўйилган қонунонда асосида ҳаракат қилади. Акс ҳолда....

Эрталаб ҳаммамиз кўчага чиқамиз. Кимдир ишга шошилади, кимдир ўқишга, яна кимдир бозор-ўчарга, кимдир қариндоши-нигига тўйга....

Шундай пайтларда узғоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган автомобиль транспорти воситаларининг бизларга қўрсатаётган хизматлари беқиссир. Ҳозир ҳоҳлаган пайтимизда ҳоҳлаган жойимизга бориш имконига эгамиз. Махсус лицензия билан аҳолига беминнат хизмат қиладиган транспорт воситалари мавжудлиги эса қўнонарли ҳол. Лекин бекорчиликдан киракашликни ўзларига касб қилиб олиб, қонунга хилоф равишда махсус лицензиясиз маршрут йўналишлари бўйича ҳаракат қиладиган шахсларнинг борлиги кўнгилни хира қиладди. Халқимизда "Бузоқнинг югургани сомхонагача", деган нақл бор. Бундай қонунбузарлар қонун ҳимоячиларини бир кун, икки кун, нари борса, уч кун қалғатар. Кунли келиб улар, албатта, қонун олдида жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги "Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тadbиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги Қарорида автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспортда йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар то-

монидан амалга оширилиши белгиланган.

Лекин шунга қарамадан 2010 йил давомида Қарши шаҳрида бир қатор фуқароларимиз йўловчи ташиш фаолияти билан лицензиясиз шугулланиб келишганлиги аниқланди. Жумладан, Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро Фаррух Сафаров Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 сентябрдаги 482-сонли ҳамда 2003 йил 21 августдаги 360-сонли қарорлари билан тасдиқланган "Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш бўйича лицензиялаш тўғрисида"ги Низом талабларини бузиб, белгиланган тартибда рўхатдан ўтмасдан, лицензиясиз аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатган. Бундай жиноятни содир этганлиги учун у 2009 йил 5 августда жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг қарори билан 140 200 сўм миқдордаги жарима жазосига тортилган эди. Лекин шунга қарамадан, 2010 йилнинг 8 январиди ўзининг "Дамас" русумли автомашинасида Қарши шаҳридаги 6-йўналиш бўйлаб йўловчи ташиш фаолияти билан махсус рухсатнома олмасдан такрор шугулланиб келганлиги аниқланган. Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2010 йил 24 мартдаги қарори билан Фаррух Сафаров Жиноят кодексининг 190-моддаси



Жасур ТУРСУНОВ,
Қарши шаҳар прокурори
ўринбосари
Самад ҲАСАНОВ,
шаҳар прокуратураси
катта терговчиси

1-қисми билан айбдор деб топиллиб, унга тегишли қонуний чора қўрилган.

Бундан ташқари, "Моҳи-Нур-Авто" ҳусусий фирмаси раҳбари Маҳмарасул Ражабов худди шу турдаги ҳуқуқбузарлиқни содир этганлиги учун жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2010 йил 2 апрелдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 190-моддаси 2-қисми "б" банди, фуқаро Ўзбек Ирназаров эса Жиноят кодексининг 190-моддаси 1-қисмига асосан айбдор деб топиллиб, жиноий жазога тортилган.

Содир этилган бу каби қонунбузарликлардан яна бир нечасини мисол қилиб келтириш мумкин. 2010 йил мазолида Қарши шаҳар прокуратураси томонидан 10дан ортиқ шахслар жиноятнинг мазкур тури билан шугулланганликларини учун жиноий жавобгарликка тортилганлар.

Бугунги кунда махсус лицензиясиз йўловчи ташиш билан ноқонуний шугулланаётган фуқаролар бу ҳаракатлари учун жазо олиш муқаррарлигини унутмасликлари лозим.

Фош этилмай қолмайди

Улар гапни бир жойга қўйиб, аслида йўқ кишлоқ ҳўжалиги техникаларини етказиб бериш ҳақида шартнома тузишди. Носиржон Тошхўжаев ўзи ташкил қилган "Водий Ахтор" МЧЖнинг ҳисоб рақами очилган "Ўзсаноатқурилишбанк" Фаргона минтақавий филиалидан трактор ва экскаваторларни харид қилгани кредит олиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлади. 50 млн. сўм миқдорда кредит ажратиш тўғрисида ҳужжатлар расмийлаштирилиб, олинажак техника воситалари паспортларининг нусхалари тақдим этилганидан сўнг банк филиали "Водий Ахтор" МЧЖ ҳисоб рақамига ушбу маблағни тўлиқ ўтказиб берди. Н.Тошхўжаев ўзи каби юлдузчи бенарвон урамдан деб юрган шериги Одижон Каримов билан келишиб олганидек, кредит маблағини дарҳол кишлоқ ҳўжалиги техникасини етказиб беришчи "Алж-Мубин" МЧЖнинг "Ўзсаноатқурилишбанк" Қўшқор бўлимида очилган ҳисоб рақамига тушурди. Устаси фаранглар гўё "Алж-мубин" МЧЖдан "Водий Ахтор" МЧЖга ўзаро шартнома асосида қиймати 50 млн. сўмдан иборат 3 донга "МТЗ-80", 2 донга "Т-4", 1 донга "Белорус" русумли тракторлар, 2 донга "ЭО-605" русумли экскаваторлар етказиб берилгани тўғрисида қалбаки ҳисоб-фактураларни ёзиб, муҳр босиб, имзоларини чекишди-да, банкнинг кредит қўмитасига тақдим этишди.

Шундан сўнг О.Каримов гўё етказиб берилган, аслида иши ҳам йўқ трактор ва экскаваторлар учун пул ўтказиш йўли билан тўланган маблағни нақдлаштиришга киришди. Н.Тошхўжаевга 42,5 млн. сўм маблағни келтириб бериш, "кредит маблағини нақдлаштириб бериш"дан иборат "хизмати" учун 7,5 млн

Ж. АҚБАРОВ,
Фаргона шаҳар прокуратураси иш ўрганувчиси

сўмни ўзида олиб қолди. Н.Тошхўжаев эса нақдлаштириб олган кредит маблағини бутунлай бошқа эҳтиёжларига сарфлайверди.

Қинғир иш фош бўлиб, қалбаки ҳужжатлар асосида қўлга киритилган маблағни нақдлаштириб олиб бошқа ишларга харжлаган Н.Тошхўжаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки терговда айбига иқдор бўлган МЧЖ раҳбари етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплади. Банк газнасига берилган кредитнинг фоизлари билан қўшиб ҳисобланган жами 56 млн. сўм пул маблағларини тўлади. Суд томонидан "уддабурон"нинг қилмишига яраша жазо тайинланди.

Унинг жиноий шериги, бундан бошқа қилмишлари ҳам фош этилиб судланган, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтамасдан қочиб қолган О.Каримовга нисбатан қидирув эълон қилинди. Уни Россиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари Москва шаҳрида тутиб олишгач, О.Каримов Ўзбекистонга экстрадиция қилинди. Бувайда туманида яшовчи судланувчининг ҳужжатларни қалбақлаштириш, сохта шартнома, ҳисоб-фактуралар тузиш, банк томонидан ажратилган кредит маблағларини нақдлаштириб, ўзлаштиришдан иборат жиноий қилмишлари асосли далиллар билан исботланди. Суд етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплаганини эътиборга олиб, О.Каримовга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. Ушбу жиноят иши мисолида яна бир бор кўрганимиздек, жиноий қилмиш барибир фош этилиши, жиноятчининг эса, албатта, жазоланиши муқаррардир.

Чойхона олдатагидек гавжум. Бир томондан ширкайф улфатларнинг шодон қийқириғи янграса, яна бир томондан қозонда қовуриладиган "жиз-биз"нинг овози эшитилади. Маъруф ичкарига кирар экан, бекорга келмагандирман, бирорта таниш чехрани учратарман деган ҳаёла атрофга аланглади. Янгишмаган экан, сал нарида ўтирган уч-тўрт нафар маҳалладошларига кўзи тушгач, чехраси ёришди. Улар билан сурашиб, қаторга қўшилди. Нарая ўйнаб, суҳбатлашиб ўтиришди. Бироздан кейин йигитлардан бири овқат қилмаймизми, деган эди, қолганлар дарҳол уни маъқуллашди. Ўзаро келишиб, ўзлари доимо ўтирадиган чойхонага боришга қарор қилишди.

Ичкилик келтирган кулфат

Наримон ИЗМУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Аксига олиб, бу чойхона ёпиқ экан. Кўп ўйлаб ўтирмай, сал нарироқдаги кафега йўл олишди. Вақт тушликдан ўтгани боис бўлса керак, кафеда одам нисбатан камроқ эди. Шундай бўлса-да, йигитлар ҳовлида ўтиришни маъқул топиб, салқин ерга ҳойлашибгач, зумда ҳозир бўлган официант қизга буюртма ҳам берилди. Кўп ўтмай, икки шиша ароқ, пиво ва турли салқин ичимликлар келтирилиб, қабоб тортилди.

Айни шу пайт официант қиз Маъруфнинг кўзига чиройли кўринди, шекилли, уни ҳам ўзлари билан ўтиришга таклиф қилди. Қиз уларга иш пайтида мижозлар билан ўтириш мумкин эмаслигини айтиб, ўз суради. Аммо Маъруф бўш келай демасди. Энди қизнинг ҳам жаҳли қикди-да, аччиқ-тизич гаплар билан жавоб қайтариб, ортига қайтди.

— Нима қиласан официантга тирғалай? Жимгина овқатингни есанг-чи!

Маъруф орага тушган кимлигини билиш мақсадида шерикларига юзланди. Қай кўз билан кўрсинки, рўпарасидаги Азиз унга ўқрайганга ўтирарди.

— Тушунмадим, сен менга ақл ўргатаётибсанми?

— Ҳа, сен ким деб ўйловдинг? Нима қиласан бегона қизга шилқимлик қилиб? Жимгина ишнини қилиб юрибди-ку!

— Ўв, нима қиласан мени ишимга аралашиб-а? Кимсан ўзинг?

Бу пайтда ишдадаги ичимликлар аллақачон йигитларнинг ичига кириб, ўз нағмасини бошлаган эди. Маст одам ўзини шердек тутиши ҳам бор гап. Шунинг учун бўлса керак, йигитлардан бири официант қизнинг шаънини, иккинчиси эса, ўзининг "ғурури"ни ҳимоя қилиб, ўзаро гап талаша бошладилар. Ён-атрофларидаги шерикларининг уларни тинчлантиришга бўлган уринишлари ҳам фойда бермади. Бир маҳал тасир-тўсир муштлашув бошланди. Ахйир, уларни ажратиб, Маъруфни ташқарига олиб чиқишди. У асабийлашиб, сўкинганча аламини кимдан олишни билмай, бироз ўша ерда айланиб юрди-да, машина тўхтатиб, уйига кетмокчи бўлди. Бироқ, айни шу пайтда миясига бир фикр келди-ю, ортига қайтди. "Шошма, у мени уриб-сўқсам индамай кетишим керакми? Нимага ишимга аралашади? Ким ўзи у?"

У кафега қайтиб келгач, каттаверидидаги тандир ёнида ётган пичоқни қўриб қолди. У ёқ-бу ёққа аланглаб, яқин атрофда ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, шошганича пичоқни олиб, ёнига яширди. Шундан кейингина ўзини янада "ботир" ҳис қилиб, Азиз шериклари билан ўтирган столга яқинлашди.

Табиийки, унинг тўсатдан пайдо бўлиши Азизга ёқмади.

— Ҳа, яна келдингми? Нима, боя еганинг камлик қилиб қолди-ми?

— Келсам сендан сўраб келаманми? Мунча ўзингни катта олмасанг, ким бўлисанки, сенга ҳисоб берсам?

— Сен нима деб ўйловдинг?

Хуллас, даҳанакки жанжал зумда муштлашувга айланди. Афсуски, бу сафар стол атрофидаги шериклари уларни ажратишга улгуришмади. Маъруф Азизнинг зарбаларидан ўзини химоя қилар экан, ени ичидидаги пичоқни чикарди-да, рақибига кетма-кет санчди. Ҳаммаси шунчалар тез ўз бердики, қолганлар англашга ҳам улгуришмади. Маъруф шу заҳоти ташқарига отилди. Ходиса ғувоҳи бўлганлар эса аввалига нима қилишни билмай, шошиб қолишди. Кейин машина тўхтатиб, Азизни қасалхонага жўнатишди.

Маъруф бўлса, тўғри уйига йўл олди. Ичкарига кириши биланок қон юки қийматларини алмаштириб, кўчага югурди. Уларниқидан сал нарида яшайдиган бир танишимизига бориб, унинг розилиги билан болхонасига ҳойлашиб олди.

Бу вақтда узок-яқиндаги таниш-билишлар-у, Азизнинг акалари ҳам воқеадан хабар топишган эди. Айнан улар Маъруфнинг яшириниб ётган жойидан топиб, милицияга олиб келиб топширишди. Азиз бўлса, қасалхонада жон берди.

Ушбу ҳодиса юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Тергов ҳаракатлари олиб борилиб, иш судга юборилди. Жиноят ишлари бўйича Қиёрай туман суди томонидан айбдорга тегишли жазо тайинланди. Аммо ота-она фарзандидан, бир оила бокувчисидан, уч нафар гудак эса отасидан айрилди. Табиийки, аввало бу кулфатнинг ўз беришига асосий сабабчи ичкиликдир. Ахир ҳар нарсанинг ҳам меъёри бўлгани яқин эмасми? Қолаверса, икки фарзанднинг отаси бўлиши Маъруф ҳам ҳиссётларини салгина ҳиловлаб, бегона қизга гап отмаганда, бугун панжара ортида ўтирмаган бўларди. Афсуски, энди жуда ҳам кеч...

Ўрматли юртдошлар! «Асака» банки (ОАЖ) Сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонат.

"Таътил-2011"

Сақланиш муддати - 18 ой.

*Ўисобланган фоиизлар ҳар чоракда ёки
омонат ёпилганда берилади.*

Хорижий валютадаги омонатлар:

"Кафолатли-1" АҚШ долларида

Сақланиш муддати - 18 ой.

Ўисобланган фоиизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.



Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: "Асака" банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:

120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	225-16-46
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарход филиали	374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарканд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

"Асака" банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

*Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди
томонидан кафолатланади.*

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Халқимизнинг тинч ва фаровон яшашига муносиб ҳисса қўшган, эл-юрт эъзозлаган инсонлардан бири прокуратура фахрийли Тўлқин Пўлатович қўтлуғ 70 ёшни қаршиламоқда.

Эл-юрт эъзозиди



У 38 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида, жумладан, 28 йилга яқин Тошкент вилоят прокуратураси тизимида туман прокуратурасининг терговчиси, прокурор ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Бекобод туман прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Тошкент вилоятида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга салмоқли ҳисса қўшиб, эл-юрт назарига тушди.

У киши меҳнат фаолияти даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлиги ва хизмат бурчиға содиқлиги билан сафдошлари орасида ҳурмат қозонди.

Тўғри йўлни кўрсатиб, виждонан ишлашни ўргатган шоғирдлари ҳозирги кунда республика ҳуқуқ-тартибот органлари тизимида самарали меҳнат қилмоқда.

Тўлқин Шукуровнинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Тўлқин Пўлатович, қўтлуғ 70 ёшингиз муборак бўлсин! Бугунги шодийна кунда Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик, файзу барақа тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази



Ҳозирда миллий ва олимпия терма жамоаларимиз олинда масъуляти вазира турибди. Миллий терма жамоамизни 2014 йилги Жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритиш учун дастлабки синов кўтапти. Тўғри, бу йўлгаги рақибимиз унчалик кучли эмас. Бироқ ҳар бир учрашувга жиддий тайёргарлик кўриш, ҳар қандай рақибга ҳурмат кўзи билан қараш мақсадага мувофиқдир. Олимпиячиларимиз эса сентябрь ойида Лондон олимпиадасида иштирок этиш учун курашга киришадилар.

Шу сабабли Вадим Абрамов бошчилигидаги миллий ва олимпия терма жамоаларимизнинг Австрияда назорат-йиғин машғулоти ташкиллаштирилди. Терма жамоаларимиз Австрия йиғинида бир қатор клублар билан ўртоқлик учрашувларини ўтказишди. Ўртоқлик учрашувларида қайд этилган натижалар муҳлисларни хурсанд қилмаслиги аниқ. Шунинг учун бунга тўхталиб ўтирмоқчи эмасман. Бу Абрамовнинг ўзига хос усули. Ёдингизда бўлса, январда бўлиб ўтган Осиё чемпионати олдидан ҳам ташкиллаштирилган назорат ўйинларидан ҳам терма жамоамиз қоникарли натижаларни қайд этишмаган эди. Аммо Қатар майдонларида ишончли ўйин кўрсатишгани муҳлислар ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Жаҳон чемпионати йўлидаги саралаш ўйинларида ҳам

воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 163 000 сўм.



«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдолари тақлиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий савдо бошқармасига қарашли 6-сон ҳарбий савдо бўлини маси давлат унитар корхонаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий савдо бошқармасининг 03.05.2011 йилдаги 7-187-сонли хатига асосан, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 205-уйда сақланган кўндалаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "ГАЗ-24" русумли, 1979 йил и/ч, д/б 14 МҮ 840 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2 504 000 сўм.

2. "УАЗ-33031" русумли, 1987 йил и/ч, д/б 14 МҮ 841 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 788 000 сўм.

3. "ГАЗ-53" русумли, 1991 йил и/ч, д/б 14 МҮ 842 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 6 499 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 23 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! 2011 йил 23 августдаги аукцион савдосида сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 30 август ҳамда 6 сентябрь кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

II. Шунингдек, 2011 йил 9 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Самарқанд вилоят божхона бошқармаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг 01.02.2011 йилдаги 04/10-352-сонли хатига асосан Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўчаси, 34А-уйда сақланган, "ВАЗ-21053" русумли, 1996 йилда и/ч, д/б 30 073 ААА бўлган техник носоз ҳолатдаги автотранспорт

воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 163 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Ушбу автотранспорт воситаси 2011 йил 9 августдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда унинг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 16 ва 23 август кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Аукцион савдолари юзасидан барча маълумотларни (8366) 233-80-56 телефон рақами ёки биржа-

нинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг АТ "Турон" банк Самарқанд шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452123, МФО: 00282, ИНН: 200933850. Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85А-уй. www.rkmb.uz.

«КО'СНМАС МУЛК САРВО ХИЗМАТИ» МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

I. Аукцион савдосига ДМК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 6 июлдаги 33-од сонли буйруғига асосан қўйилди ер майдонлари қўйилмоқда.

1. Бойсун туман "256-ХМКЖ" МЧЖ ҳудудидан қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан уй-жой қуриш ва ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун сатҳи 600 кв.м.дан бўлган 2 дон 1, 2-ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 202 488 сўм.

2. Бойсун туман "Таза" маҳалласи ҳудудидан қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан уй-жой қуриш ва ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун сатҳи 600 кв.м.дан бўлган 5 дон 1, 2, 3, 4, 5-ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 202 488 сўм.

3. Бойсун туман "Бибишарип" участкаси ҳудудидан қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан уй-жой қуриш ва ёрдамчи ҳўжалик юри-

тиш учун сатҳи 600 кв.м.дан бўлган 4 дон 1, 2, 3, 4-ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 202 488 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йилнинг 16 август кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Мазкур ер майдонлари 2011 йилнинг 16 августда сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 22 ва 29 август кунини соат 11:00 да бўлишини олдиндан маълум қиламиз.

II. Аукцион савдосига ДМК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 12 июлдаги 34-од сонли буйруғига асосан қўйилди ер майдонлари қўйилмоқда.

1. Ангор туман "Янгиобод" қ.ф.й, "Улуғбек" маҳалласи ҳудудидан қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан уй-жой қуриш ва ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун сатҳи 700 кв.м. бўлган 1 дон 1-ер майдони қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 42 000 сўм.

2. Ангор туман "Ангор" кўрғони "Наврўз"

маҳалласи ҳудудидан қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан уй-жой қуриш ва ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун сатҳи 600 кв.м.дан бўлган 2 дон 1, 2-ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 42 000 сўм.

3. Термиз туман "Учқизил" ҚФЙ "Янги ҳаёт" маҳалласи ҳудудидан қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан уй-жой қуриш ва ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун сатҳи 600 кв.м.дан бўлган 2 дон 1, 2-ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 80 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йилнинг 17 август кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Мазкур ер майдонлари 2011 йилнинг 17 августда сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 23 ва 30 август кунини соат 11:00 да бўлишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун

талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар шанба ва якшанба (байрамлар)дан ташдир ҳар кунини 18:00га қадар қабул қилинади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжати ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда КМСХ Сурхондарё филиалининг АТБ "Савдогар-банк" Музработ филиали Термиз шаҳар минни банкидаги қўйилди ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00336, ИНН: 207122519, х/р: 2020800004920609002. Савдо ўтказиладиган манзил: Термиз шаҳри Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, Таббиркорлар маркази биносининг 2-қавати. Тел: (8-736) 227-57-97. Лицензия RR-0001.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
T'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-2314. 52 556 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHONOV

Bosmaxonada topshirish vaqti: 22.00.
Tashqirildi: 20.10 12 345 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7437

